1-бет

● Аҳди улуғнинг— бахти улуғ ●Адолат тарозиси

2-бет

●Қил устидаги олишув ● Олам нигоҳимизда

3-бет

●Туққан она эмас, боққан она ●ТВ ●Отанг бозор, онанг бозор

4-бет

●Падаркушлар ●«Қувонч ва ташвишлар» — муҳокамада ●Футбол

АДОЛАТ

✱ Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси газетаси

1996 йил, 14 декабрь, № 49 (89).

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

1997 йилни инсон манфаатлари йили, деб эълон қилсак... Ҳар биримиз мана шу эзгу мақсад рўёбга чиқиши учун муносиб ҳиссамизни қўшсак

Ислом КАРИМОВ.

●1997 йил—инсон манфаатлари йили

АҲДИ УЛУҒНИНГ — БАХТИ УЛУҒ

Яқинда ҳамкасабамиз ўзининг Данияга хизмат сафари билан йўл олган ўғлини Тошкент аэропортида кутиб олди. «Копенгаген-Франкфурт — Тошкент» самолётидан тушган йигитга ота савол берди:

— Қандай, ўғлим, Европа ёқдими?

— Ёқишга-ку ёқдия, — жавоб берди телевидениеда режиссёр бўлиб ишлайдиган ўғли, — лекин ўзимизнинг Ўзбекистонга ҳеч нарса етмас экан. Биласизми, Ўзбекистонимизнинг ҳавоси ҳам бошқача. Дунёда Ўзбекистон каби жаннат йўқ десам хато қилмасам керак.

Конституция куни арафасида юртимиз раҳбарининг «Туркистон» саройида қилган маърузасини тинглар эканман, ногоҳ ўша суҳбат ёдимга тушди. «Агар инсон ўз юртидан ғурурланмаса, юртини ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асраш учун ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ», — дея таъкидлади юртимиз раҳбари. Бу гапларда пурҳикмат маъно ётибди.

Халқимизда «Сўз ва иш бирлиги» деган ибора бор. Сўз фақат амалий ишда ўз аксини топгандагина унинг салмоғи, қадри бўлади. Президентимизнинг кундалик фаолиятида худди мана шу ақида ўз исботини топмоқда. Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг айнан мана шу кунларида у «Туркистон» саройида, Конституция куни муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда 1996 йил юксалиш йили бўлади, дея қатъий ваъда берган эди. Ислом Каримовнинг сўзлари ўз амалини топди. Ҳақиқатан ҳам, 1996 йил мамлакатимиз, жамиятимиз тарихида ўзгача йил бўлди. Ишлаб чиқариш, халқ хўжалиги ва маданиятининг барча жабҳаларида халқимиз каттадан-катта ютуқларни қўлга киритди. Газетамизнинг ўтган сонида биз Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқарилиши 1990 йилга нисбатан 106 фоиз ўсганлиги, буни ҳатто Россиянинг бизга унча хайриҳоҳлик билдирмайдиган газетаси ҳам эътироф этишга мажбур бўлганлиги ҳақида айтиб ўтган эдик.

Юртимизда яратувчилик ишлари кундан кунга ривожланиб, тобора ортиб бормоқда. Юртимиз раҳбари буюк соҳибқироннинг сўзларини ўз маърузасида келтиргани каби, кимки бирон жойдан битта ғишт олган бўлса, ўрнига ўнта ғишт қўйиб кетяпти. Кимки бирон эҳтиёж учун битта дарахт кесган бўлса, ўрнига ўнта дарахт экиб кетяпти. Ҳа, халқимизнинг ўзига хос фазилати шунақа. Бағри кенглиги, одамийлиги, чапанилиги шунақа. «У хорижликдан бир неча баробар кам иш ҳақи олса-да, [illegible]

[illegible] эди.

Давлатимиз раҳбарияти эса ўзининг олий мақсади — халқ фаровонлигини тобора ошириш йўлидаги эзгу ниятини амалга ошириш устида тинмай курашмоқда. Президентимиз ўтган йилги Конституция куни арафасида омонат дафтарлардаги пулларни индексациялаш тўғрисида илк бор ваъда берган эди. 1996 йил давомида мана шу жуда катта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тадбир собиқ МДҲ давлатлари ўртасида биринчи бўлиб амалга оширилди. Куни кеча 16 ёшгача бўлган болаларга тўланадиган нафақа пулларини маҳалла қўмиталари орқали етказиш ҳақидаги Президент Фармони ҳам халқимизнинг ўзига хос фазилатини инобатга олган ҳолда қабул қилинган ҳужжат бўлиб, у давлатимиз раҳбариятининг кенг жамоатчиликка нисбатан бўлган юксак ишончидан дарак бериб турибди.

Конституция куни арафасида мамлакатимиз ҳаётида яна бир эсда қоларли воқеа бўлиб ўтди. У ҳам бўлса, меҳнатда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ илғорларнинг мустақил Ўзбекистон орден ва медаллари билан мукофотланишидир. «Ўзбекистон сиз ва сизлар каби азамат, танти одамлари меҳнати билан буюк келажагини қуради», — деди уларга мурожаат қилиб юртбошимиз. Мукофотланганларнинг ҳар бири ўзларининг фидойиликлари, ватанпарварликлари билан танилган, давлат ва инсон манфаатлари йўлида жон куйдириб меҳнат қилаётган кишилардир.

Юртимиз раҳбари юқорида айтиб ўтилган тантанали йиғилишда 1997 йилни инсон манфаатлари йили деб эълон қилиш ҳақида таклиф киритди. Биз бу нарсани кўпдан бери кутган эдик. Зеро Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, таъбир жоиз бўлса, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда «белини тиклаб» олди. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги — меҳнаткаш халқи манфаатларининг биринчи поғонага кўтарилишини тарихий ривожланишнинг табиий босқичи сифатида қабул қилиш мумкин. Биз жумлаи жаҳонга буюк жамият қуряпмиз, дея тантанавор ваъда бердик. Буюк жамиятни, буюк келажакни эса халқ қуради, халқ унга асос солади.

Ўзбек халқи неча-неча ўн йиллар истибдод зулми остида яшади. Ўзининг улкан маданий, маънавий бойлигидан маҳрум бўлишига ҳам оз қолди. Ана энди, юртимиз осмони узра ҳуррият қуёши порлаган кунларда халқимизни ҳар қанча эъзозласак, бошимизга кўтарсакда, ундан яна ҳам қарзимиз қолади. «Бундай интилувчан, иродали халқ билан ҳар қандай олий мақсадларни амалга ошириш мумкин», — дея бежиз такрорламади Президентимиз ўз нутқида.

1997 йил инсон манфаатлари йили бўлади. Инсон манфаатларини эса оила ва давлат манфаатларидан ажратиш мумкин эмас. Бу нарсаларни бир дарахтнинг учта шохига қиёс қилгулик. Давлат, оила ва инсон ман- [illegible]

Бизнинг йўлимиз ёруғ, келажагимизнинг буюклиги аниқ ва равшан. Биз буюк давлат қурамиз дея аҳд қилган халқимиз. Аҳди буюкнинг эса бахти ҳам буюк бўлади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

БОШ МУҲАРРИР.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёни Қашқадарё вилоятида ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. [illegible] *пайтда эса бу ерда 600 киши меҳнат қилмоқда.*

СУРАТДА: тикиш фабрикаси цехларидан бирида. Ип йигирув фабрикасининг илғор оператори Наргиза Бозорова.

Анвар КАРИМОВ, Шомурод ШАРОПОВ, (ЎзА) олган суратлар.

●Назм

АДОЛАТ

Адолат барчанинг кўз тиккан мулки,
То шу мулк бор экан, лабларда кулги,
Барчанинг орзуси, тилаги шулки:
Адолат бошидан Ҳумо учмасин,
Адолат қасридан бир ғишт кўчмасин.

Адолат дарз кетган жойда нурар дил,
Умидлар ойнаси синади чил-чил,
Адолат йўқ жойда — мурод беҳосил,
Ҳеч одам бахт дея сароб қучмасин,
Адолат қасридан бир ғишт кўчмасин.

Адолат — дунёнинг шони-шавкати,
Умидлар учқуни унинг қат-қати,
Адолат — дилларнинг тенгсиз сарвати,
Унинг пок юзига ҳеч доғ тушмасин,
Адолат қасридан бир ғишт кўчмасин.

Адолат, сайёра бошини сила,
Элатлар, элларга омонлик тила,
Эзгулик қўшиғин баралла куйла:
Фароғат қуёши асло ўчмасин,
Адолат қасридан бир ғишт кўчмасин.

Олқор ДАМИН
Самарқанд.

●Партия ахбороти

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ҚАРШИ. «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Қашқадарё вилоят партия кенгаши иккинчи котиби Зокиржон Раҳимов бошқарди.

Унда партия ташкилотини маблағ билан таъминлашда шаҳар ва туман партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ва уларнинг ишини янада яхшилаш юзасидан зарур бўлган ишлар муҳокама этилди. Йиғилиш иштирокчилари партия ишини яхшилашда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг роли алоҳида эканлигини таъкидлаб ўтишди. Бунинг учун «Адолат»га обунани кўпайтириш масаласи қўллаб қувватланди.

Шундан сўнг Нишон, Косон, Қарши ва Китоб туманлари партия кенгашлари биринчи котиблари Қўзибой Рустамов, Бозор Қулиев, Аъзам Жўраев ва Шуҳрат Аҳмедовлар сўзга чиқиб, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда партия олиб бораётган ишлар тўғрисида гапирдилар.

Ш. СУЛТОНОВ,
«Адолат» нинг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири.

Адолат тарозиси

ҒАТ-ҒАТ ҚИЛГАН КАРНАЙЧИ...

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда божхона текширувлари-ю қонун органлари назорати кифоями? Ёки...

Қадимдан ёқмаган нарсани ўзгага ҳам раво кўрма дейишади. Аммо қаллобликни касб қилиб олган айрим ишбилармонларга бу нақлнинг тескариси маъқул экан. Яъни ўзингга ёқмаганни ўзгага тутқазу пулини олиб жуфтакни ростла. Бугун бу бозорда, эртага бошқасида ризқингни териб юравер.

Шундай хомхаёл билан осон бойишни кўзлаб юрган кимсалар учун энди харидор билан ҳисоблашадиган пайт етиб келди. Чунки истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг бажарилиши ҳамма жойда қаттиқ назоратга олинмоқда. Сифатсиз, таркиби инсон саломатлиги учун зарарли мол-маҳсулотларнинг бозорга олиб кирилмаслиги учун мустаҳкам тўсиқлар қўйилмоқда.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Самарқандда кейинги йилларда истеъмол бозори анча кенгайиб, хилма-хил маҳсулотлар билан сероблашган. Мулкчиликнинг турли шаклидаги фирмалар, савдо идоралари таъминотни яхшилашнинг янги-янги имкониятларини ишга солмоқдалар. Буни ярим миллионга яқин шаҳарликлар савдо-харид жараёнида кунора ҳис этиб турибди.

Бироқ таассуфки, харидор ишончига путур етказаётган ишбилармонлар ҳам учраб турибдики, уларнинг арзон-гаров, таркиби шубҳали маҳсулотлари бозор пештахталарини банд қилиб ҳалол рақобатчиликка зиён етказмоқда.

Шу йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида вилоятдаги юздан ортиқ фирма томонидан четдан икки ярим миллиард сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинган. Бунинг асосий қисмини қандолат, усимлик ёғи, шакар, гуруч, пиво, чой, апельсин, сигарета ташкил этади. Ана шу маҳсулотларнинг таркибини текшириб кўриш пайтида оддий истеъмол талабларига жавоб бермайдиган хиллари аниқланди.

«Самтрансэкспо ЛТД» фирмаси Москвадаги ёғ-мой комбинатидан олиб келган 56 минг 280 килограмм кунгабоқар ёғи лаборатория текширувидан ўтказилганда фойдаланишга яроқсиз деб топилди ва уни сотувга чиқариш таъқиқланди. Фирма раҳбарларига маҳсулотни ўз эгаларига қайтариб юбориш ҳақида кўрсатма берилди.

Хусусий тижорат билан шуғулланадиган фирма дўконларда маҳсулотнинг сифат ёрлиғи унутиб қолдирилиши билан боғлиқ кўплаб фактлар аниқланди. Чунончи «Ражаб» хусусий дўконида сотилаётган Германияда тайёрланган «Марина» маргарини ва «Елена» сариёғи истеъмол муддатлари аллақачон ўтиб кетган экан. Натижада ҳар икки турдаги 80 қути маҳсулот савдодан олиб қўйилди. Бунисику хорижники деймиз. Аммо «Самарқанд-сут» ҳиссадорлик жамиятида тезкор йўл билан янги пишлоқ тайёрлашни йўлга қўйишибди-ю сифатини мутлақо унутишибди. Қарангки «Литовский» пишлоғини қатъий муддат бўйича 45 кунда эмас атиги 21 кунда ҳам нари-бери тайёрлаб савдога чиқарса буларкан. Фойда кетидан қувиб шошқалоқлик билан стандарт талабларидан чекиниш корхона раҳбарлари учун 13 минг 860 сўм жарима тўлаш билан якунланди. Бу иш юзасидан тўпланган материаллар эса вилоят прокуратурасига тақдим этилди.

«Абдужалол» хусусий дўконидаги 93 қути ёғ ва маргаринда сифат ёрлиғи бўлмаганлиги, бунинг устига фойдаланиш муддатлари ўтиб кетганлиги аниқланди. Фирма сотувчилари энди харидорни авраб нобоп маҳсулотни унга тутқазмасликка сўз беришса ҳам бу иш материаллари прокуратурага оширилди.

Бозори чирсиллаб турса чаққон ишбилармон уч денгиз ошиб бўлса ҳам керакли молни муҳайё қиларкан. Фақат фойдаси ўзигаю зиёни харидорга. «Самарқанд» худудий савдо концерни ва «Самарқандгўштсутсавдо» корхонасидаги абжирлар Бирлашган Араб Амирлигидан олиб келган 18992 килограмм гўшт дарҳол бактериология лабораторияси текширувидан ўтказилмаганда ҳойнаҳой қанчалик нохуш оқибатларни келтириб чиқарган бўларди. Ахир маҳсулотни жойида текшириб кўриш шунчалик қийинми?

Бу каби яроқсиз, таркиби инсон саломатлиги учун мутлақо зарарли мол-маҳсулотларнинг кўпчаси божхона постларида ушлаб қолинмоқда. Эътиборингизни айрим фактларга жалб этмоқчимиз.

«Юқори нуқта» божхона постида Қашқадарё-Тошкент йўналиши бўйича келаётган Камаз-5322 русумли давлат белгиси 05-22 КФМ автомашинаси тўхтатилиб кўрикдан ўтказилганда 4500 килограмм қуруқ сут қалбаки ҳужжатлар билан сотиш учун олиб кетилаётганлиги аниқланди. Текширишда маҳсулот таркибида оғир металлар тузлари меъёридан кўплиги боис истеъмол учун мутлақо яроқсизлиги маълум бўлди. Юк эгаси фуқаро У. Муминов тўпланган материаллар асосида суд томонидан жавобгарликка тортилди.

«Юқори нуқта» постида яна бир автомашина — давлат белгиси 25-97 ТНБ «Камаз» тўхтатилганда Бухородаги «Аль-Барокат» фирмасидан 5 тонна қуруқ сут Тошкентга «Лаззат» қандолат фабрикасига олиб кетилаётганлиги аниқланди. Қаранг-ки бу гал ҳам қалбакичиликка йўл қўйилибди. Минглаб кишиларнинг дастурхонига ширинлик ҳолида етиб бориши мумкин бўлган хом ашё озиқ-овқат саноати учун яроқсиз, ҳатто зарарли экан. Мол-дунё деб инсоф-диёнатни йўқотган бухоролик фуқаро П. Элбоевга тегишли салкам 11 тонна ана шундай сифатсиз, соғлиққа кони зиён қуруқ сут ҳам йўлдан қайтарилди.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра мусодара қилинган қуруқ сут паррандачилик фермаларига омихта ем ўрнини босиши учун ярар экан. Наҳотки, ишбилармон ўз молининг баҳосини фаҳмламаган бўлса?

Ахир истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ўз-ўзимизни ҳимоя қилиш эмасми? Ўз юртидаги рақобатта дош беролмаган ғариб бозорлар тутқазганини ташиб келтираверишиш ишбилармонликнинг қайси қоидасига тўғри келаркин? Хайриятки, божхона постлари, солиқ, лаборатория, экспертиза хизматлари бор. Аммо уларни ҳам четлаб ўтишга уринаётганлар-чи? Самарқанд вилоятида четдан якка шахслар томонидан 11 ойда 61 миллион 217 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ташиб келтирилган. Одатда бу маҳсулотлар оз-оз миқдорда олиб келиниши ва арзонгаровга тезда сотилиб кетиши туфайли сифатини тўла назорат қилишнинг иложи йўқ. Лекин қалбакилик билан шуғулланаётганлар барибир жавобгарликдан қочиб қутилишолмайди. Эътиборингизни яна шундай фактга жалб этмоқчимиз.

Божхона ходимлари яқинда «МАЗ-5337» русумли давлат белгиси 46-84 СИЛ бўлган автомашинани тўхтатиб кўришганда 8 тонна қадоқланган туз борлиги аниқланди. Сифати текширилганда маҳсулот чорва молларига мўлжаллангани сезилиб қолди. Юк эгаси Ф. Аҳмедов эса уни одамларга пуллаш учун олиб кетаётган экан. Натижада қаллоб ишбилармоннинг моли мусодара қилиниб тўпланган материаллар тергов органларига юборилди.

Мана бу фактга ёқа ушламай иложингиз йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси тизимидаги корхоналар фаолиятини текшириш тўғрисида»ги 1996 йил 5 июлдаги фармойишига мувофиқ Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда «Самарқанддон» ҳиссадорлик жамияти комбинатлари текширилганда қизиқ ҳолатта дуч келинди. Бу комбинатларга четдан ун ишлаб чиқариш учун яроқсиз бўлган, аниқроғи чорва молларига мўлжалланган 5-классга мансуб 4557 тоннадан зиёд буғдой дони келтирилганлиги ва мансабдор шахсларнинг айблари билан ун ишлаб чиқариш учун ишлатиб юборилганлиги аниқланди. Бу иш бўйича тегишли ҳужжатлар тўпланиб, айбдорларга нисбатан чоралар кўриш бўйича вилоят прокуратурасига тақдим этилди.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса шуки, ҳалоллик ишбилармон учун бирламчи шарт. Бозорга шарқона инсоф, диёнат ярашади, харидорга нисбатан ҳурмат-эътибор эса барака келтиради. Шундай экан шубҳали арзонгаров келишувлар орқасидан келадиган мол-маҳсулотга бозорларимизда сира жой бўлмаслиги керак. Истеъмолчи манфаати ҳамма нарсадан устун туришини унутмайлик.

Абдували ПРИМОВ,
Самарқанд вилояти божхона хизмати бошлиғи.
М. МИРЗАМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти стандартлаш, метрология ва сертификациялаш ҳудудий маркази бошлиғи.
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири.

● «Адолат»га жавоб берадилар

«ЁПИҒЛИҚ ҚОЗОНДА НИМА БОР?»

(«Адолат» газетаси, 1996 йил 16 ноябрь)

Ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Қашқадарё вилоят, Китоб туман туғруқхонасида йўл қўйилаётган камчиликлар айтилган, хусусан туманда кейинги 5 йилда бир неча оналар ўлими қайд этилганига қарамай, юқори ташкилотларга «оналар ўлими рўй бермади» қабилида маълумотнома жўнатилгани ҳақида ёзилганди.

«Ёпиғлиқ қозонда нима бор?» мақоласида келтирилган далиллар Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Н. К. Туреева, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти акушерлик ва гинекология кафедрасининг доценти, вазирлик бош акушер-гинекологи Р. Б. Нормуҳамедова ҳамда мақола муаллифи иштирокида тузилган махсус комиссия томонидан ўз жойида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мақолада муаллиф кўтарган муаммолар, ҳақиқатан ҳам тиббиёт соҳасида шу кеча-кундуздаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Вазирлик жойлардаги тиббиёт муассасалари билан биргаликда ҳозирги даврда устивор йўналиш деб қаралаётган оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларда мавжуд бўлган касалликлар ва ўлимни камайтириш, туғилиш ва ўлим ҳолатларини ўз вақтида ҳаққоний равишда тўғри қайд этиш борасида жуда муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу ишларда нафақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бўлимлари, тиббиёт ходимлари, балки маҳаллий ҳокимликлар, кўплаб жамоат ташкилотлари, ҳукуматга қарашли бўлмаган турли жамғармалар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Комиссия аъзолари мақолада кўрсатилган Китоб тумани марказий акушерлик комплекси фаолиятини ва оналар ўлими ҳолатларини вилоят ва туман соғлиқни сақлаш ташкилотларининг мутасадди ходимлари иштирокида чуқур таҳлил қилиб чиқдилар.

Ҳақиқатан ҳам мақолада келтирилган 5 нафар марҳума аёллардан Д. Тошева ва Ф. Собирова ҳомиладорлик даврида юз берган асоратлар натижасида вафот этганлар. Лекин бу ўлим ҳолатлари яширилмасдан, туман марказий шифохонаси ҳамда ЗАГС ташкилотларида қайд этилган. Бундан ташқари, туман марказий шифохонасида ўтказилган тиббий кенгашда чуқур таҳлил қилиниб, керакли чора-тадбирлар кўрилган.

Аммо М. Бобомуродова, Г. Худоёрова, М. Боймирзаеваларнинг ўлим ҳолатлари эса ҳомиладорлик ва туғруққа боғлиқ бўлмаган касалликлар туфайли юз берган. Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти низоми ва барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада амалда бўлган йўриқномаларга кўра бундай ҳолатлар оналар ўлими ҳисобига киритилмайди.

Лекин мақолада келтирилганидек, Китоб тумани акушерлик комплекси жамоасида ноxуш психологик муҳит мавжуд, бу эса комплекс фаолиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиий. Шу сабабли ҳам акушерлик комплекси бош ҳакими, вилоят кенгаши депутати Қўчқорова С.нинг ўз вазифасига лойиқлик масаласини кўриб чиқиш вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятига тавсия қилинди.

Акушерлик комплексида таъмагирлик, яъни суюнчи олиш, оналарга жавоб берилганда чақалоқ пули олинаётганлиги ҳақидаги масалага келсак, бу каби ҳолатлар текшириш жараёнида ўз исботини топмади.

Текширув якуни бўйича комиссия аъзолари туман ҳокими ўринбосари Ҳусаинов Б. Ҳ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи муовини Саматов А. А. Китоб тумани марказий касалхонаси бош ҳакими Абдуллаев Б. иштирокида хат муаллифи М. Собиров билан суҳбат ўтказдилар ва уни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Китоб туманида оналик ва болаликни яхшилаш борасида кўрилган чора-тадбирларни янада яхшилаш масалалари қаттиқ назорат остига олинди.

27-30 ноябрь кунлари бир гуруҳ олим ва етакчи мутахассислар Китоб, Шаҳрисабз, Деҳқонобод туманлари ва Шаҳрисабз шаҳрида бўлишиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўзларининг амалий ёрдамини кўрсатдилар.

Ш. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.

КЕЛГУСИ СОНДА:

1. Дарднинг дармони ўзимизда. 2. Ер ва ер эгаси. 3. Мулкдор ким? 4. Чўлқуварлар қалбида мангу барҳаёт. 5. Бегона аёл. 6. Пайғамбаримизнинг тижорат ишлари. 7. Кичкина деманг бизни... 8. Телефондан «дод»... 9. Биз — ўзбеклармиз...

●«Обуна—97»

АРМОНДА ҚОЛМАНГ

«АДОЛАТ» газетаси табора ўқимишли бўлиб, оммалашиб бораётган нашрлардан бири. Уни Сиз «киоска»лардан топишингиз қийин. Дарҳол туғаб кетади...

Шу боис, армонда қолмай, мамлакатимизда, дунёда бўлаётган ўзгаришлар, воқеалардан бохабар бўламан десангиз дарҳол

«АДОЛАТ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Чунки обуна тугашига саноқли кунлар қолди.

● Якка тартибдаги обуначилар учун бир йилга — 384 сўм. НАШР кўрсаткичи: 64597.
● Ташкилотлар учун бир йилга 690 сўм. НАШР кўрсаткичи: 64598.
Алоқа бўлимига шошилинг. «Адолат»ни ўқий олмай армонда қолманг.

ТАҲРИРИЯТ.

● Маълумотлар учун телефонлар: 36-54-37, 36-55-96, 33-41-89.

•Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Ғазабнинг эмас, ақлнинг овозига қулоқ сол.

Вильям ШЕКСПИР

Тарих — бу сарғайган саҳифалари фақат ўз муддати, вақти-соати, мавриди етиб келгандагина очиладиган ва ўз сир-асрорларидан воқиф қиладиган ғаройиб китоб экан.

Жаҳондаги сўнгги империялардан бири— СССР империяси қулаши билан тарихимизнинг кўпдан бери «махфий» белгиси остида, пўлат сандиқларда сақланаётган кўпгина саҳифалари очилди. Сиз қуйида ўқийдиган очерк батамом аниқ материаллар ва ҳужжатлар асосида ёзилган.

Бундан ўттиз тўрт йил муқаддам Ер юзидаги барча инсониятнинг, бутун жонзотларнинг ҳаёти қош билан қовоқ орасида муаллақ осилиб қолган эди. Уч кун давомида, таъбир жоиз бўлса, қил устида, юпқа муз сатҳида яшаган эдик. Жаҳон жар ёқасига келиб қолган эди. Бу катта, тенгсиз, даҳшатли хавфнинг барча тафсилотлари бутун бўй-басти билан фақат шу кунларда намоён бўлмоқда. Мазкур очеркимиз ана шу ҳақда.

***Қодиржон СОБИРОВ** 1942 йилда туғилган. Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетини тамомлаган. «Дарёнинг билан яшаймиз, дунё!», «Она юртим», «Булутли кунлар», «Фарҳод кўчасидаги қотиллик» номи билан аталган лиро-публицистик ва ҳужжатли қиссалар муаллифи.*

Ҳозир «Адолат» газетасининг ижтимоий адолат ва ҳуқуқ бўлими мудири лавозимида ишламоқда.

...1962 йилнинг май ойи охирларида КПСС Марказий Комитети Президиуми (Раёсати) аъзолигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Шароф Рашидовни зудлик билан Москвага чақириб қолдилар. Ўзбекистон раҳбарини у ерда Совет Иттифоқи Маршали, Ракета қўшинлари сардори С. Бирюзов кутиб олди. Кремлнинг каттадан катта, махфийдан махфий хоналарида ўша кунлари қандай суҳбат бўлиб ўтганлиги бизга номаълум. Бу ҳақда фақат тахмин қилишимиз мумкин, холос. Лекин орадан кўп ўтмай Ш. Рашидов ва С. Бирюзов бошлиқ делегация махсус самолётда «глобуснинг орқа томони»га, Узоқ Америка қитъасига, Озодлик ороли деб ном олган Куба мамлакатига учиб кетди.

Биз совет партия-ҳукумат делегациясининг ўша вақтлар овоза қилинмаган, одатдан ташқари ташрифи ҳақидаги ёзувимизга ҳозирча нуқта қўйиб турамиз. Унинг моҳиятини тушуниб етиш учун гапни узоқроқдан бошлашга, «дунёни бир айлантириб» деярли ўттиз беш йил ортга қайтишга тўғри келади.

***

Яқинда ғўр солдатлик йилларимда қоралаб қўйган эсдаликларимни варақлаб ўтирарканман, дафтар саҳифалари орасидан йиллар сарғайтириб юборган тўрт буклоғлиқ хат тушди. У қачонлардир мен Германияда ҳарбий хизматни бажариб юрган чоғим ёзилган, лекин жўнатилмаган хат эди.

«Хайр, буви (биз онамизни буви дердик), берган оқ сутингизга рози бўлинг, — сатрлари бор эди унда, — хайр, дада, Сиз бир оёғингиз билан биз, саккиз жонни оёққа қўйдингиз. Мен хизматни тугатиб қайтгач, бир умр таянчингиз бўлмоқчи, қўлингиздан ишингизни олмоқчи эдим. Афсус-афсус, насиб қилмаган экан. Хайр, Эътибор опа! Олим ака, укаларимни эҳтиёт қилинг...»

Бирдан ўша хат ёзилган кунлар ярқ этиб ёдимга тушди. Серёмғир Германиянинг совуқ кузи эди ўшанда. Даҳшатли-ваҳимали уч кеча-кундуз тафсилотлари кино лентаси каби кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади.

... Тун ярми эди. Ҳамаёқ жимжит, осуда. Бирдан навбатчининг ҳайқириғи казармани ларзага солди.

— Рота, оёққа тур! Ҳарбий тревога!

Биз, жангчилар, ўринларимиздан шиша пўкаги каби отилиб турдик. Белгиланган муддат, яъни қирқ беш сонияда уст-бошларимизни кийиб улгурдик-да, икки қатор бўлиб саф тортдик. Эшикдан рота командири, озғин, новча капитан Королёв кириб келди.

— Солдат ва сержант ўртоқлар!— деди у вазмин бир оҳангда, — ҳозиргина ГСВГ (Германиядаги совет қўшинлари гуруҳи) штаби бўйлаб биринчи даражали ҳарбий тайёргарлик эълон қилинди. Сабаби — Кариб денгизи кўрфазидаги вазият жуда-жуда танг аҳволга келиб қолди. Уруш ҳаракатлари бошланиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳар нарсага тайёр турмоғимиз лозим. Ротамизга Н. қисмига етиб бориш ва танклар ичига жойлашиб олганча махсус буйруқни кутиб туриш вазифаси топширилган. Сизларга ўн беш дақиқа муҳлат. Энг керакли нарсаларингизни йиғиштиринг-да, уйларингизга хайрлашув хати ёзиб қўйинглар. Яхшиликни тилак қилайлику лекин бу охирги хат бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас... Сержант Куприянов, хатларни йиғиштириб олиб, менинг хонамга олиб киринг.

[illegible]

...ги Ўзбекистон раҳбари ҳам ўз ҳиссасини қўшишга мажбур бўлган.

***

1962 йилга келиб «совуқ уруш» ниҳоятда авжига чиқа бошлади. Бу фронтнинг иккала қутбида, табиийки, СССР билан АҚШ турарди.

Эллигинчи йилларнинг охирларида Куба оролида Фидель Кастро бош бўлган бир гуруҳ ёш зобитлар Батиста истибдодини қурол кучи ила ағдариб, Америка қитъасида тўнғич социалистик давлатга асос солдилар. Шу-шу Куба Озодлик ороли дея атала бошланди. Жаҳон харитасида баҳорги қўзиқорин каби ҳеч кутилмаганда, бирданига пайдо бўлиб қолган, «биқин» томондан ҳамиша хавф солиб турган давлат, бу оролдаги янгича тузум, албатта, АҚШ ва унинг шерикларининг жиғига тегарди. Шу боис улар оролни чор-атрофдан ўраб олиш, яъни қамал қилиш пайига тушдилар. Ҳар куни ўнлаб АҚШ самолётлари орол устидан учиб юришар, унинг турли ҳудудларини фотосуратга туширардилар. Орол жойлашган Кариб денгизида иғвогарлик авж олиб кетди.

Худди мана шу вазиятда Совет Иттифоқи раҳбарияти Кубага ёрдам қўлини чўзиш, яъни оролни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўра бошлади. Бу табиий ҳол эди, албатта. Зеро СССР Кубани «кичик укаси» ўрнида кўрарди. Қолаверса, Фидель Кастро билан Никита Хрушчёвнинг қучоқлашиб тушган суратларини жаҳондаги ҳамма газета ва журналлар босиб чиқаргандилар.

ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАРДАН. 1962 йилнинг бошларида СССР Мудофаа Кенгашининг махсус кенгаши чақирилди. Унда партия ва ҳукуматнинг кўзга кўринган намояндалари иштирок этишди. Кенгаш Кубага қўшин ҳамда ҳарбий техникани, энг асосийси баллистик ядровий ракеталарни махфий равишда олиб бориб ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Қарорни расмий равишда ҳужжатлаштириб қўйдилар. Ҳамма уни бир овоздан ёқлаб қўл кўтарди. Биронта ҳам одам қарши овоз бермади. Холис қолганлар ҳам бўлмади. Бу ҳужжатни ёқлаб қўл кўтарганлар у қанчалик даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида бирон марта тузукроқ ўйлаб кўрдиларми, йўқми, буни ёлғиз Яратганнинг ўзи билади, холос. Ҳамма «хўжайин», яъни Никита Сергеевич Хрушчёвнинг оғзига маҳтал бўлиб тикилиб турарди. У нима амр қилса, сўзсиз бажаришга тайёр эди. Ҳа, бу «ташаббус»нинг бошида КПСС Марказий Комитетининг биринчи котиби ва унинг тўққиз нафар гумаштаси турардилар.

Бироз муддат ўтгач, СССР Мудофаа вазирлигининг Бош штаби давлат раҳбариятининг сиёсий хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда Куба оролида қуролли кучларнинг барча турларини ўзида мужассамлантирган совет қўшинлари гуруҳини жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Лекин, аслини олганда, бу билан АҚШ ила бўлажак урушга тайёргарлик кўрила бошланди, зеро Озодлик оролига қилинган ҳар қандай хужумга СССР қарши зарба беришга тайёр турарди. Учинчи жаҳон уруши аланга олиб кетиши учун бир дона гугурт камлик қиларди, холос...

Мудофаа Кенгашининг ўша қарорига ҳозир, орадан ўттиз беш йил ўтгач кўз югуртирсангиз, мулоҳаза қилсангиз, этингиз жунжикиб кетади. Эътибор беринг: ракета қисмларига, лозим бўлиб қолганда АҚШ ҳудудидаги энг муҳим объектларга зарба бериш (албатта, Москвадан буйруқ бўлгач), вазифаси юклатилган эди. Ракетачиларни 4 та мотопиёда қисмлар орқа томондан муҳофаза қилиб туришлари керак эди. Ҳарбий Ҳаво кучлари америкаликлар ташлайдиган десантни қириб юборишлари ҳамда АҚШнинг Гуантанамо оролида жойлашган ҳарбий базасига зарба беришлари лозим эди.

•

Кубада жойлаштириладиган қўшинларнинг умумий сони 44 минг кишидан иборат бўлиб, ҳарбий ҳаракатлар режаси «Анадирь» деган шартли ном билан аталмоғи керак эди. Кубага қўшин олиб кириш режаси 1962 йилнинг 24 май куни КПСС Марказий Комитетининг Раёсатида тасдиқланди. Режани муҳокама қилишда Малиновский, Хрушчёв, Козлов, Брежнев, Косигин, Микоян, Полянский, Куусиненлар қатнашдилар. Уларнинг барчаси бу режани маъқуллашди.

Энди «нозик» бир иш қолганди. Куба оролига совет қўшинларини жойлаштириш учун Фидель Кастронинг бир оғиз розилигини олиш, яъни уни кўндириш лозим эди. Бу иш Ш. Рашидов ва маршал Бирюзовга топширилди (очерк бошини эсга олинг). 10 июль куни эса Кубага гуруҳнинг Бош қўмондони генерал Р. Плиев бошчилигидаги дастлабки раҳбарлар учиб кетишди. Ҳарбийларнинг ҳаммаси оддий фуқаро кийими кийган бўлиб, улар гўё Кубага ёрдам бериш учун келаётган совет қишлоқ хўжалик мутахассислари эдилар...

***

44 минг кишилик қўшин... Мен армия нималигини яхши биламан. 44 минг жангчи — бу уч-тўртта тўлақонли дивизия дегани. Шунча қўшинни дунёнинг бир четидан бошқа бир четига, таъбир жоиз бўлса, «глобуснинг нариги томонига» олиб ўтиш осон иш эдими? Келинг, бу ўринда бир неча ой муқаддам Россия газеталаридан бирида босилган мақоладан айрим лавҳаларига кўз югуртирамиз.

«Анадирь» операцияси тезкорлик билан ривожлана бошлади, — деб ёзади газета, — ҳамма ишда мутлақо ва қатъий махфийликка риоя қилинарди. Кубага жўнатилаётган қисмлар турли ҳарбий округлардан ташкил топган эди. Қўшинларни (албатта, оддий фуқаро кийими кийгизиб) ҳамда ҳарбий техникани йўловчи ва юк ташийдиган кемаларга жойлаштирдилар».

Армия генерали А. Грибков ўзининг яқинда эълон қилинган эсдаликларида бу иш қай йўсинда амалга оширилганлигини муфассал равишда тасвирлаб берган. Унинг ёзишича, танклар кемаларнинг юкхоналарига яширилган. Ракета қурилмалари ҳамда мўлжални излаб топиш станциялари кемаларнинг палубаларига ўрнатилиб, устига брезент ёпиб қўйилган. Сўнгра тахта қоқилган. Демак, биринчи қарашда кема палубасидан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмасди. Америка авиацияси ҳужум қилиб қолишининг олди олинган ҳолда кўпгина кемаларда йирик калибрли зенит пулемётлари ўрнатилган эди. Уларни қисқа вақт давомида олиб ташлаш мумкин бўлган ёғоч «том»чалар ёрдамида кўздан пана қилиб қўйгандилар.

Кемаларга одамлар ва юкларни ортиш жуда махфий равишда амалга оширилди. Кемага жойлашиб олдингми, тамом, ундан ортга йўл йўқ эди. На бирон ёққа хат ёзиб бўларди, на телеграмма бериб, на телефон қилиб... Оддий жангчиларнику қўяверинг, бу нарса ҳатто кема капитанлари учун ҳам таъқиқлангани. Дарвоқе, капитанларнинг ўзлари ҳам дастлаб қаёққа йўл олаётганликларини билмас эдилар. Шундай қилиб, Совет Иттифоқининг турли бандаргоҳларидан ҳар хил вақтларда Куба томон ўнлаб кемалар флотилиялари йўл олди.

Худди шу ўринда генералнинг хотираларига нуқта қўйиб турамиз. Менинг китоб жовонимда бир хат сақланади. Ҳозир ўшани эслашнинг мавриди келиб қолди. Бу хат ўн йил бир синфда бирга ўқиган дўстим Ғафуржонга тегишли. Ғафуржон иккаламиз армияга тенг чақирилганмиз. Лекин вилоят чақирув пунктида бизларни бошқа-бошқа томонларга ажратиб юборишди. У денгизчи бўлиб кетди. Мени эса Германиядаги совет қўшинлари сафига жўнатдилар.

Ғафуржон Қора денгиз бўйидаги порт шаҳарларидан бирида хизмат қила бошлади. Биз узундан-узун уч йил давомида бир-биримиз билан хат олишиб турдик. У ўз хатларида довруғи овоза қилинмайдиган ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётганини шама қилганди. Ёдимда, олтмиш иккинчи йилнинг куз ойларида ундан узоқ муддат хат келмай қолди. Кейин, олтмиш учинчи йил кириши арафасида хат олдим. Хат узундан узоқ эди ва аввалгиларидан анча фарқ қиларди. Дўстим унда кейинги тўрт ой ичида бошидан кечирганларини муфассал қаламга олганди.

ЯНА БИР МАКТУБ. «Нега хат ёзмай қўйди, деб роса ажабланган бўлсанг керак, дўстим! Эҳ-ҳа, кўп ғаройиб кунларни бошдан кечиришга тўғри келди.

Сентябрь ойининг ўрталарида қўққисдан бизларга қуруқ овқат улаша бошладилар. Узоқ сафарга жўнайсизлар, дейишди. Лекин аниқ қаерга боришимизни айтишмади. Энг қизиғи, шу кун кечқурунок ҳамма матрослар ҳарбий кийимларимизни топшириб, оддий фуқароча кийимларга буркандик. Кимдир гап топиб келди: «Кубага бориб, шакарқамиш йиғиб олишда ёрдамлашар эмишмиз...»

Уч кундан сўнг ҳаммамизни улкан кемага олиб чиқишди. Тун қоронғулигида йўлга тушдик. Денгиз, тўрт томонимиз чексиз сув. Бир сутка ўтгандан сўнг «Туркияни ортда қолдирдик» дейишди. Кемамиз ўз сафарини давом эттираверган сайин куёш жануб осмонидан бошимиз устига тобора яқинлашиб кела бошлади. Кунлар қизигандан қизишга тушди. Биз, иссиққа кўниккан ўзбек йигитлари ҳар ҳолда чидаш берар эдик. Лекин Россиянинг шимолий қисмидан чақирилган матрослар бу жаҳаннамга чидолмай, кўплари ҳушдан кета бошлади. Ҳаммамиз кундузини кеманинг трюми, яъни юкхонасида ўтказардик. Юқоридаги палубага фақат кечаси, ўшанда ҳам атиги икки соатга чиқиш учун рухсат берилардди, холос...»

ГЕНЕРАЛ А. ГРИБКОВ ХОТИРАЛАРИДАН. «Кубага сафарбар қилинаётган барча зобит ва солдатлар оддий фуқаро либосига бурканган эдилар. Ҳарбий хизматчилар узоқдан узоқ бу сафар давомида кеманинг пастки қисмида, махсус тайёрланган ёғоч караватларда ҳаддан ташқари сиқилишган бир аҳволда жойлашган эдилар. Жанубга томон сузиб борган сайин ҳаво тобора қизий бошлади. Ҳамма бир қултум тоза сувга зор эди. Ҳарбий ходимларга фақат кечалари 20-25 кишидан бўлиб палубада бироз нафас олиб қайтишга рухсат бериларди. Овқат етишмасди, ичимлик суви жуда танқис эди. Бундай оғир шароитга ҳамма ҳам дош беролмади. Кўплар охирата равона бўлдилар... Мурдаларни денгиз анъаналарига кўра, брезентга ўраган ҳолда кемадан пастга улоқтириб юборардилар. Йўлда қанчадан қанча солдатлар қурбон бўлмади! Бироқ бу билан ҳеч кимнинг сариқ чақачалик иши йўқ эди.

Бир савол туғилади: Туркия қирғоқларидан, (бу давлат 50-йиллардан бошлаб НАТОга аъзо эди) Босфор кўрфазидан ракеталар ва техникаларни, бутун бошли армияни қандай олиб ўтишга эришилди? Ахир кемалар узра доимий равишда Америка самолётлари парвоз қилиб юрардиларку! Бу борада бироз ҳийлакорликсиз иш битмади. Босфор кўрфазидан сузиб ўтишда лоцман (кемани кўрфаздан ўтказиб қўювчи денгиз мутахассиси) хизматидан умуман фойдаланилмади. Бунинг ўрнига махсус тайёрлаб қўйилган «совға-салом»ни кемадан арқонга уланган ҳолда пастга тушириб турдилар. Бу «совға-салом»лар кемаларга йўл очиб берди. Кемаларни бирон бир кимса текшириб ўтирмади. Шунча узоқ ва хатарларга тўла сафар давомида биронта ҳам фавқулодда ҳодиса юз бергани йўқ. Ҳеч қайси кемага бирон бир ажнабий давлат одамининг оёғи тегмади.

Хўш, америкаликлар-чи? Улар сўнгги лаҳзаларгача жуда кўп нарсалардан бехабар эдилар, ғафлатда қолгандилар. Бу ўта махфий операциянинг барча тафсилотларини улар фақат бир неча йил ўтгандан кейингина билиб олдилар. Ушанда америкаликлар Кубага ташланган совет жангчиларининг сони 44 минг эмас, нари борса 8-10 минг кишидан ошмайди, деб тахмин қилишганди...

ҒАФУРЖОННИНГ МАКТУБИДАН. «... Бу хат сенга етиб боргунча бўлиб ўтган ишлардан ўзинг ҳам яхшигина хабардор бўлиб қоласан, дўстим. Биз сузиб келган жой ўша, номи тилларда достон бўлаётган Озодлик ороли экан. Бу ердан Америкагача 100 чақирим ҳам келмайди. Шундайгина биқинида. Биз Кубани америкаликлардан қўриқлаш учун бу ерга келибмиз. Ўзимиз билан нима олиб келганлигимизни эса фаҳмлаб турган бўлсанг керак ҳарқалай...

Биз, оддий жангчилар, нима буюришса, шуни қиламиз. Нима буюришаётганини, унинг замирида нималар бор эканлигини эса тушуниб етгандай бўляпмиз.

Бугун октябрнинг 20-куни. Таҳликали дамлар бошланди. Ҳар соатда Америка самолётлари бизни ана бомбардимон қилади, мана бомбардимон қилади, дея юракларимизни ҳовучлаб турамиз...»

Хўш, Кубага қўшин олиб киришимиз, нафақат қўшин, балки ядро қуроли ўрнатилган ракеталар олиб киришимизнинг асл сабаблари нимадан иборат эди? Бунга Россия матбуотида сиёсатшунос В. М. Лупандин шундай жавоб беради:

— Расмий ахборотларга қараганда, бу улкан операциядан мақсад ёш социалистик давлат бўлмиш Кубани Америка ҳужумидан муҳофаза қилиш эди. Ўша пайтлар жаҳон афкор оммасининг қулоғига «Кастронинг жазосини бериш лозим» деган гаплар қуйдириб бориларди. Лекин бу фақат юзаки сабаб эди. Унинг илдизлари анча чуқур жойлашганди.

«Анадирь» операцияси асосан НАТО ядро ҳудудининг Шарққа қарши кенгаяётганлигига қарши кўрилган мажбурий чора эди. Эллигинчи йилларда америкаликлар Туркиянинг бизга чегарадош ҳудудларида 50 та «Юпитер» баллистик ракеталарини навбатчиликка қўйиб қўйган эдилар. Уларнинг учиб бориш масофаси 3500 километрга етар, қуввати бир мегатонна эди. Бу ракеталар 10 дақиқада СССРнинг йирик саноат марказларига, жумладан Москвага ҳам етиб кела олардилар. Бизнинг жавоб зарбамиз эса АҚШга фақат 25 дақиқадан кейингина етиб бориши мумкин бўлиб, биз бу нарсага бутунлай улгурмай қолишимиз ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди...

ЁШЛИК ХОТИРОТЛАРИДАН. Ҳа, асли ўша йилларда «совуқ уруш» ниҳоятда авжига чиққан, жаҳонда катта таҳлика ҳукм сурарди. Газета ва журналларда, радиода америкаликлар СССР ҳудудига «У-2» самолётларини юбориб, ўта махфий объектларни суратга олаётганликлари ҳақидаги ахборотлар тез-тез қайд этиларди. (Америка жосус самолётлари 18 минг метр баландликдан ердаги автомобиль номерини ҳам суратга олиши мумкинлиги тўғрисида ёзишарди).

Бизнинг авлод вакиллари 1961 йилнинг 1-Май куни Свердловскдан унча узоқ бўлмаган жойда жосус учувчи Пауэрсни совет стратегик қўшинлари 18700 метр баландликдан битта ракета ёрдамида уриб туширганликларини яхши эслашади (энди, шу кунларда маълум бўлишича, у ракета билан эмас, оддий қирувчи самолёт ёрдамида уриб туширилган экан. Лекин бу нарсанинг ҳикоямизга бевосита дахли бўлмаганлиги учун унга тўхталиб ўтирмаймиз).



Ҳа, ўша пайтлар қитъалараро баллистик ракеталар бўйича Америка СССРдан беқиёс даражада олдинда эди. АҚШда бундай ракеталардан 200 та бўлса, СССРда бор-йўғи 4та эди, холос. Ўрта масофага учувчи ракеталар бўйича Америка 17 баравар ўзиб кетган эди! Стратегик йўналишдаги ракеталар, шунингдек ядровий портлатишлар, яъни синаб кўриш бўйича ҳам улар олдинда эди. Шу боисдан ҳам «Кубани ҳимоя қилиш» шиори АҚШ билан «ядро хавфи» борасида тенглашиб олиш учун бир баҳона эди, холос, дея хулоса чиқаришга тўла ҳақ-ҳуқуқимиз бор.

ТАРИХНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАЛАРИДАН. Энди маълум бўлишича, Куба оролидаги ядровий қуролларни ишга солиш учун мўлжалланган 24 та ракета старт майдонлари 1962 йилнинг 27 октябрь кунига тақа-тақ тахт бўлган. Битта ракета полки 20 октябрда, қолган иккитаси 25 ва 27 октябрда «иш»га шай қилинган. Жами 36 та «Р-12» баллистик ракеталари старт майдонида тайёр қилиб қўйилганди. Уларнинг учиб бориш масофаси 2,5 минг километр эди. Демак, АҚШнинг энг катта ва бош шаҳарлари Нью-Йорк ва Вашингтон зарба остида қоларди. Ҳар бир заряднинг қуввати бир мегатонна эди. Шундай қилиб, барча старт майдонларида ядро қуроллари ишлатишга шай қилиб қўйилганди...

— Америкаликлар, — дейди ўз хотираларида сиёсатшунос Владимир Лупандин, — даставвал 27,29 ёки 30 октябрь кунлари Кубага 500 та самолёт билан зарба беришни мўлжаллаб турган эдилар. Мабодо улар ўша машъум режаларини амалга оширганларида ҳам совет ракеталарининг бор-йўғи 12 та старт қурилмаларини яксон қила олардилар, холос. Қолган 12 та ракета барибир АҚШ томон йўл оларди...

Хўш, ўша 12 та ракета мабодо учганида, қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди? (Худонинг ўзи кўрсатмасин, дея гапирайлик бу гапни). 12 мегатонналик 12 та «Р-12» баллистик ракетаси билан АҚШнинг шарқий қисмига зарба берилганда, бу нарса мамлакат ярим аҳолисининг ҳалокатига олиб келарди. Қанчадан-қанча шаҳарлар, саноат объектлари, Массачусетс штатидаги Атом электр станцияси, Теннесси дарёсидаги миллий лаборатория реактори, Саваннадаги водород бомбаси бирикмаларини ишлаб чиқарувчи завод ва бошқа кўпдан-кўп объектлар қуйиб кулга айланарди. Шимолий Америка осмони тутундан қорайиб кетарди. Экологик ҳалокат юз берарди. Бир сўз билан айтганда, америкаликлар кейинчалик, саксонинчи йилларнинг ўрталарида яратган, атом уруши оқибатларига бағишланган «Эртасига эрталаб...» фантастик фильмидаги воқеаларнинг худди ўзи бўларди...

Хўш, американиклар-чи? Табиийки, улар ҳам қараб турмасдилар. Айтиб ўтганимиздай, уларнинг ракеталари 10 дақиқада СССР пойтахтига етиб борарди. Ана ўшанда... Ана ўшанда нималар бўлишини этингиз жунжикмай тасаввур қилишингиз қийин. Бир нарса ойдай равшан эди: ушбу ўқиётган очеркингиз ҳеч қачон ёзилмаган бўларди...

Шундай қилиб, барча ракета дивизионлари биринчи даражали ҳарбий ҳолат вазиятига келтирилгач, яъни 27 октябрь куни Н. Хрушчёв Жон Кеннедига қуйидаги мазмунда мактуб йўллади: «Биз сизлар ҳужум воситалари деб атаган воситаларни Кубадан олиб чиқиб кетишга тайёрмиз... Америка Қўшма Штатлари эса СССРнинг ҳавотирланиши ва ташвишланишини инобатга олган ҳолда Туркиядаги ана ўшандай воситаларини олиб чиқиб кетиши лозим...»

* * *

Биз, ёш жангчилар ўша 1962 йилнинг серташвиш кузини қандай ўтказганлигимиз ҳақида очеркимиз бошида айтиб ўтдик. Ўша кунлари биз сапёрлар (мина изловчилар) батальонида ҳар дақиқада «ана бошланди, мана бошланди» деган хабарни кутиб, шай бўлиб турдик. Батальонимиз жангчиларининг ярми «Уруш бўлмай қолмайди» деса, қолган ярми «Йўқ, бошланмайди, ахир катталар ақлдан озмагандирларку!» дейишарди. Дарҳақиқат, бу учинчи жаҳон уруши бўларди ва ер юзида инсоният зоти батамом қирилиб кетарди.

Ўша кунлари капитан Королёвнинг қандай аҳволга тушганини яхши биламан. У сапёрлар батальони биноси рўпарасидаги плац (ҳарбий машқ майдони)да ўйчан қадам ташлаб, «тутунини тутунига улаган» ҳолда сигарета тутатар, куни бўйи ўз хаёллари билан банд бўларди. Унинг ташвишланишича ҳам бор эди. У ўзи ва оиласи ҳақидагина ўйламас, кўпроқ биз, ҳали она сутимиз оғзимиздан кетмаган, ўз ўғиллари билан тенг йигитлар тақдири ҳақида ўйларди. Ахир биз ўшанда 20-21 ёшларда эдик. Дунёга келиб, нимани кўрибмиз? «Кетдик» деган буйруқ ила кетишимиз ва умуман қайтиб келмаслигимиз, кулимиз кўкка совурилиши аниқ ва равшан эди.

Орадан 25 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, Горбачёв даврига келгач, кўп нарсалар аниқ ва равшан бўлди. Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари бирма-бир очила бошлади. Маълум бўлдики, ўша таҳликали уч кун давомида, яъни 1962 йилнинг 27-30 октябрь кунлари жаҳондаги миллион-миллион кишилар кўз юммай чиққанлар. Ҳа, Кариб денгизидаги танглик бутун жаҳонни сергак қилиб қўйган эди.

Энди маълум бўлишича, ўша даҳшатли уч кун давомида Ер сайёрасининг Америка қитъасида Жон Кеннеди, шарқий қитъасида эса Никита Хрушчёв уч кеча-кундуз мижжа қоқмаганлар. СССР ва АҚШ раҳбарларининг ҳар бири воқеалар қай тарзда ривожланишини синчковлик била кузатган, рақибга қайси масалада ён босиш керагу, қайси масалада умуман яқинига йўлатмаслик лозим — мана шу ҳақда ўз ёнларига ўнлаб маршаллар, генералу адмиралларни тўплаб олган ҳолда маслаҳатлашишда давом этганлар. «Огонёк» журналининг ёзишига қараганда, яқин-атрофидагиларнинг ҳеч бири Жон Кеннедини ўша кунлардагидек асабий ҳолда кўрмаган. Москва ва Вашингтон ўртасидаги телефон уч кеча-кундуз тинмай ишлаб турган.

Никита Хрушчёвнинг қатъий талаби шу эди: АҚШ Туркиядан, яъни СССРнинг жанубий «биқини»дан ўз ядровий ракеталарини олиб чиқиб кетиши керак. Америкаликлар эса яна ҳам жиддийроқ талаб қўйган эдилар: СССР Кубадан ўз ракеталарини олиб чиқиб кетиши лозим. Албатта, бу масалада ким биринчи бўлиб ён босиши улкан аҳамиятга эга эди.

Бу борада гап кетар экан, яна бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керак. СССРнинг раҳбари Никита Сергеевич Хрушчёв ўша йиллари 68 ёшга кирган, иккинчи жаҳон урушини кўрган, ҳаётда кўп нарсаларни бошидан кечирган одам эди. Унинг шошма-шошарлигини, айрим гаплари ва ҳатти-ҳаракатлари одоб доирасидан чиқиб кетишини бутун жаҳон яхши биларди. Жумладан, СССР раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясида туфлисини ечиб, минбарни уриб тарақлатганини, АҚШ кўчаларида ҳўкиз билан бирга суратга тушганини, машҳур маккажўхори кампаниясини ҳамма эсласа керак... Шу боис ундан кўпдан-кўп кутилмаган нарсаларни кутса бўларди.

АҚШ раҳбари Жон Фитцжеральд Кеннеди эса бу давлат тарихида энг ёш президент бўлиб, ўша пайтлар энди 45 баҳорни қаршилаётганди. Ҳалигача уни бутун жаҳон афкор оммаси зийрак, ақлли, тадбиркор раҳбар сифатида баҳолайди. Бу гапда жон бор. Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Нима қилганда ҳам Кеннеди ўз Ватани, яъни Американинг фарзанди эди. Шу боис ўзини сиёсат саҳнасининг шохсупасига олиб чиқиб қўйган доира аъзоларининг чизган чизиғидан чиқолмасди. «Совуқ уруш» кучайгандан кучайиб борарди. СССРга бугун бирон-бир масалада ён берилса, эртага бошқа бир масалада ён берилмайди, дея ҳеч ким кафилликка ўта олмасди. Шу боис жаҳоннинг энг катта иккита раҳбари, бири Оқ уйда, иккинчиси Кремлда уч кеча-кундуз мулоҳаза юритдилар. Ниҳоят уч кун деганда жаҳолат ва ғазаб эмас, ақл-идрок, фаросат, соғлом фикр ғолиб чиқди. Октябрь ойининг охирги кунларида АҚШ Туркиядан ўз ракеталарини олиб чиқиб кетиш ҳақида қарор қабул қилди. Шундан сўнг...

«ШАКАРҚАМИШ ЙИҒИШТИРГАН» ДЎСТИМНИНГ МАКТУБИДАН «... Ҳа, дўстим, бизнинг бу ердаги хизмат сафаримиз ҳам ниҳоясига етган кўринади. Бир ярим ой давомида биз қил устида яшадик. «Ана бошланди, мана бошланди» дея юракларимизни ҳовучлаб турдик. Лекин, хайриятки, энг даҳшатли кунларимиз мана ортда қолди.

Мен бу мактубни сенга Атлантика океанининг қоқ марказидан ёзаётирман. Улкан ҳарбий кемамиз 5 балли тўлқинлар билан олиша-олиша Ватанимиз томон сузиб бормоқда. Биз бу ёққа пусиб, яшириниб келган бўлсак, энди дадиллик билан, очиқ-ойдин, гавдамизни баланд кўтарган ҳолда қайтиб кетмоқдамиз. Куни кеча ҳаммамиз билан сиёсий бўлим бошлиғи суҳбат ўтказди. Биз Кубага келиб, ўз ҳаракатларимиз билан жанубий чегараларимизнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаб олишга эришибмиз. Умуман, хизматларимиз зое кетмабди. Сиёсий қисм раҳбари кўп нарсаларга кўзимизни очиб қўйди...»

Биз эса, ёш жангчилар ўшанда қандай хавфли кунларни бошдан кечирганлигимиз мана энди, орадан ўттиз тўрт йил ўтгач, бутун бўй-басти билан кўзга ташланяпти.

Ўша 1962 йил октябрь ойининг сўнгги кунларида капитан Королёв эрталабданоқ биз, жангчиларни ўз атрофига тўплади. Унинг кайфияти аъло даражада эди. У бизни ҳамиша «солдатлар» дея чақирарди. Бу сафар эса бироз «рамка»дан чиқиб кетди.

— Йигитлар, отбой, — деди у кўзлари ёшланган ҳолда, — бугундан бошлаб отбой... Энди бемалол дам олсаларингиз бўлаверади. Хавф, катта хавф даф бўлди. Ҳа, жаҳонда кейинги ўн йилликлар давомида тарих солномасига ёзиб қўйиладиган энг катта даҳшат ортда қолди.

Кечки пайт эса сержант Куприянов ҳаммамизга уйларимизга ёзган «Алвидо» хатларини қайтариб берди. Юқорида ўқиганингиз ана шу хат эди...

* * *

Вақт — бу орқага қайтмас оқар дарё.

Мана, орадан 35 йил ўтмоқда. Ўша, ваҳимали 62 йилда дунёга келган фарзандлар ҳозир ўсиб-улғайиб, жаҳон бешигини тебратмоқдалар.

Жафокаш Ўзбекистон ҳам ниҳоят Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида ўз мустақиллигини, истиқлолини қўлга киритди. Бу улуғ неъматнинг самараси ўлароқ энди йигитларимиз, ўғилларимиз узоқ тундраю, чексиз-чегарасиз уммонларда, бошқа давлатларнинг босиб олинган ҳудудларида эмас, балки ўз она тупроғида ҳарбий хизматни бажармоқдалар. Ўз она Ватанларини қўриқлаяптилар. Ўзбекистоннинг фақат ўзига хос тинчликсевар сиёсати бор. Юртбошимиз, давлатимиз даргаси озодликка эришган юрти кемасини бехатар, тинч, келажаги порлоқ оқим бўйлаб бошқариб бормоқда.

...Мен бир нарса ҳақида ният қиламан. Ушбу авлод ўша биз кўрган, бошдан кечирган ташвишларни ҳеч қачон кўрмасин, ҳеч қачон бошдан кечирмасин...

Қодиржон СОБИРОВ.

Internet

Дунё: энг сўнгги янгиликлар

●Украина ҳукумати давлат герби ва давлат мадҳияси матни учун ижодий танлов эълон қилди. Танлов шартига кўра, гербнинг асосий элементи Буюк Владимир князлик давлатининг белгиси ва Запорожье армияси рамзи бўлиши керак. Мадҳия матни эса Михаил Вербицкий томонидан яратилган миллий гимн мусиқасига мос бўлиши лозим. Украина маданият ва санъат вазирлигига ҳозирдаёқ мадҳия матнининг 32 та лойиҳаси ва гербнинг 8 та эскизи келди.

●Ўтган беш йил ичида Грузияда аҳоли сони 150 минг нафар кишига камайган. Бу рақам Грузия ижтимоий-иқтисодий ахборот департаментининг журналистларга тақдим қилган маълумотномасидан олинди. Бундан беш йил илгари, яъни 1991 йилда Грузия аҳолиси 5 миллион 550 минг кишини ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда департамент маълумотига қараганда 5 миллион 400 минг кишини ташкил қилмоқда. Шулардан 2 миллион 600 минг нафари эркаклар, 2 миллион 800 минг нафари эса аёллардир. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, аҳолининг камайишига кейинги беш йил ичида содир бўлган бир қанча воқеалар сабаб бўлган. Биринчидан, чуқур ижтимоий-иқтисодий таназзул натижасида туғилиш камайиб, ўлим даражаси кўпайган. Аҳолининг бир қисми эса иш ахтариб, узоқ ва яқин хорижга жўнаб кетишган. Улар ҳозирда Россия, Германия ва Украинада ишлаб, яшамоқдалар. Грузия ҳудудида бўлиб ўтган қуролли тўқнашувлар натижасида, дастлабки маълумотларга қараганда, 20 мингдан 25 минг кишигача ҳалок бўлган.

● Мексикалик олимлар дунёдаги энг катта телескопни яратишга киришишди. Телескоп ойнасининг диаметри 50 метрни ташкил қилиши керак. Бундай улкан лойиҳа АҚШли инвесторларнинг маблағлари ҳисобига бунёд этилади. Телескоп қурилишига ҳозирнинг ўзидаёқ 50 миллион доллар ажратилди. Ҳозирча телескоп ўрнатиладиган жой аниқ эмас. Тахминларга қараганда, у Герреро штатининг тоғли районларидан бирида ўрнатилади.

●Ойда бўлиб қайтган планеталараро «Клементина» зонди олиб келган ахборотларни таҳлил қилган америкалик олимлар ҳайратдан ўзларини йўқотиб қўйишди. Маълумотларга қараганда, ойнинг жанубида жуда катта яхлаб қолган сув, яъни муз бор экан. Шу пайтгача ойда сув борлиги ҳеч кимга маълум эмас эди. Агар ушбу маълумотлар тасдиқланса, бу жуда катта шов-шувга сабаб бўлиб, кўпгина илмий қарашлар ва дастурларни ўзгартириб юбориши тайин. Кашфиёт муаллифларидан бири Южин Шумейкер мабодо ойда сув борлиги тўла тасдиқланса, ойга саёҳат қилиш ҳисоблари ўзгариб кетади, деди. Эндиликда ойга саёҳат қилмоқчи бўлганлар учун бир қанча қулайликлар туғилмоқда. Улар ушбу сувдан истеъмол қилиш ва экин кўкартиришлари мумкин. Бу кашфиёт ҳақида нуфузли журналлардан бири — «Сайенс»да мақола чоп этилди. Бу маълумотни узил-кесил тасдиқлаш учун олимларга бир икки йил вақт керак, холос. Чунки шу муддат ичида ой атрофида айланадиган космик аппарат учирилади. Унинг бортида эса махсус прибор бўлиб, барча тахминларни ё тасдиқлайди, ё йўққа чиқаради.

•Турмуш чорраҳаларида

ТУҚҚАН ОНА ЭМАС, БОҚҚАН ОНА

48-МОДДА. ***«Фуқаролар... бошқа кишиларни ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар».*** **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан.**

Халқимизда «Туққан она эмас, боққан она» деган ажойиб нақл бор. Бунинг маъноси, фарзандни ҳар қайси аёл ҳам туғиши мумкин, лекин уни ҳамма ҳам «болам» дея бағрига босиб, ўстириб-улғайтира олмайди. Албатта, бу гапларни ўқиган зийрак муштарий гап баъзи-бир енгилтак, бағритош аёл ва эркаклар хусусида бораётганини тушунади...

«Ая, Ҳосият опа иккала фарзандини ҳам боқиб олган, ўзи туғмаган экан, эшитдингизми? «Бу гап қайдан чиқди?» «Ҳадича опанинг келини, эсингиздами, бир куни Ҳосият опа «туғаман деб Москвоваргача даволанишга бордим» деган эди? Болалари ҳам сира ота-онасига ўхшамайди... деди».

Ҳосият опа ва унинг турмуш ўртоғи Қосим акалар маҳалламизга яқинда кўчиб келишган. Бир ўғил ва бир қизлари бор. Бировга озор бермайдиган, хушчақчақ, мулойим одамлар. Лекин «ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, Аллоҳ уларни фарзанддан қисган. Бир-бирларини аввалдан кўриб-билиб турмуш қурмаган бўлсалар-да, турмуш қургач, меҳрлари боғланган, бу икки шоиста инсон оилани муқаддас санашган. Аллоҳ фарзанд бермади, дея дарров ажралишга ариза бермай, сабр-тоқат билан бир неча йил кутишган. Йилдан-йилга бир-бирларига кўпроқ боғланишиб, бошқаларнинг «э ажраш, бефарзанд ўтасанми» деган гапларига парво қилмай ақл билан иш кўришган — аввал ўғил, кейинроқ мурғак қизалоқни боқиб, тарбиялашмоқда. Бу болаларни боқиб олишгандан буён юқоридагига ўхшаш гап-сўзлардан безор бўлиб, бир неча марта яшаш жойларини ўзгартиришди. Лекин инсоннинг тили оёғидан тез юради. Бундай гапларни, миш-мишларни қаноти бўлади, ё кимлардир атайлаб ковлаб, қидириб топдими, қаранг, янги маҳаллага ҳам етиб келибди бу гаплар. Буни эшитган мулоҳазали аёл ўша заҳоти келинининг оғзига гап билан «урди». «Болам, бу гапни сиздан бир марта эшитдим-қайта эшитмай. Бировга шу ҳақда гапирганингизни эшитсам ҳам қаттиқ хафа бўламан. Ҳосият опангиз туғиб, ташлаб кетганда эди, ғийбат қилишса, орқасидан маломатлашса бўларди. У ота-она меҳрига зор бир парча этни бағрига босиб, «болам» деб ювиб-тараб ўстирибди. Унга таъна эмас, ҳавас қилиш лозим. Ҳамма ҳам бегона болага она бўлолмайди. Туққан она эмас, боққан она».

... Иринанинг ақли тўлиша борган сари оиладаги муҳитни яхшироқ тушуна бошлади: ота-она ичкиликбоз, ичиб олиб, бир-бири билан жиққамушт бўлаверади. Кўп ўтмай, она вафот этди. Иринани болалар уйига топширдилар. У вояга етиб, «ота уйи» га келганда ҳеч нарса ўзгармаган: ота ҳамон ичар, ўгай она эса унга ҳамшиша эди. Ўгай она Иринани уйга сиғдирмади. Шубҳасиз, Ирина ҳам кўнглига кўчадан «таскин» қидирди ва бир йигит билан топишиб, унинг бувисиникида бирга яшай бошлади. Ирина қизалоқли бўлганда буви вафот этди, йигит армияга кетди. Кетиш олдидан Иринага «боши очиқ»лигини айтиб кетди. Ирина қўлида мурғак гўдаги билан яна ота хузурига бош эгиб борди. Ўз пушти камари- [illegible]

жон-жаҳди билан бағрига босган Ирина қайноан бувисининг қабри ёнига тиз чўкди: «мана бувижон, сиз, суйиб-ардоқлаган чеварангизни олиб келдим. У сиздан бошқа ҳеч кимга керак эмас экан. Икковларинг тинчгина ухлаб ётинглар. Яшаш шунчалик оғир, одамлар шунчалик бефарқ, лоқайдки, қанийди мен ҳам...» Тирноқлари қонаб қазиган чуқурчасига қизалоғини авайлаб ётқизиш олдидан уни охирги марта бағрига маҳкамроқ босишни, қон қотиб бораётган бошчаларидан, майин сочларидан ўпиб, ҳидлашни истаб, бағрига қаттиқроқ босар экан, ундан «мамм» деган овоз эшитилди-ю, Ирина жон ҳолатда болани отиб юборди. Сўнгра унинг ҳали тирик эканлигини, кўм-кўк кўзларини зўрлаб очиб, бемеҳр онасига тик қарамоқчилигини кўрди-ю, қўллари ипакдек майин томоқларни омбурдек қисди... Қабристонда чарх уриб, фарёд чекиб юрган ярим телба онани кўрганлар тутиб, ички ишлар идораларига олиб келганларида жунуна Ирина юқоридаги гапларни гапириб берган.

Айтингчи, унинг гўдагида нима айб эди? Ҳосият онага, Қосим акага ўхшаган фарзандталаб, қалби дарё, меҳрибон инсонлар шу мурғак болани боқиб олишса, бошқаларнинг ризқи-рўзи камайиб қолармиди? Биз «фарзанд боқиб олган экан» дея қўлимизни бигиз қилиб кўрсатадиган инсонларнинг икки дунёси ободлигини, улар жаннатий одамлигини биламизми? Уларнинг шаънларига турли ғийбат гапларни «тўқиб-бичиб» гапирмаймизми, ҳатто баъзан арзимаган нарсалар туфайли қўни-қўшни жиқиллашиб қолганда бу инсонларнинг қадр-қимматини оёқ ости қилувчи гаплар айтишгача бормаймизми? Уларнинг фарзанд кўрмай, бола боқиб олганлари-ю, бу болаларнинг «худо билади, кимдан бўлганлиги»ни соатлаб муҳокама қилишимиз тўғрими?! Аслида, бу инсонлар шаънига ҳар қанча мақтов сўзлар айтсак оз. Чунки улар инсон ҳаётини сақлаб қолдилар. Унинг тақдири кемтик, дили мажруҳ бўлишини олдини олдилар. Асосийси, Ирина каби боши берк кўчага кириб қолиб, ўзини қаерга қўйишни билмаган қалб кўзи кўр инсонларнинг беихтиёр жиноят қилишларига, ўз фарзандларининг қотилига айланишларига тўсиқ қўйдилар. Бир куни туққан онаси қидириб келганда, ақли тўлишиб, оқ-қорани таниб қолган бир вақтда онаси томонидан кўчага улоқтирилган, отасини кимлигини ҳам билмайдиган фарзанд «сиз менинг онам эмассиз. Менинг онам — мана, сиз туғиб ташлаб кетганингизда бу онам мени ювиб-тараб, бағрига босиб, тунлари ухламай, ўзи емай едириб, киймай кийдириб катта қилди, вояга етказди. Мен туққан онамни эмас, боққан онамни ОНА дейман», дейдиган [illegible]

Шаҳодахон ХУДОЙБЕРДИЕВА,
журналист.



Хива туманидаги Рўзмат Мадаминов номли жамоа хўжалиги кўп тармоқли. Бу ерда чорвачилик, деҳқончилик билан бир қаторда балиқчилик ҳам ривож топган. Жамоанинг 45 гектар майдонни эгаллаган ҳовузларида [illegible] Руслан Матрасулов бошлиқ балиқчилар бригадаси 85 тонна балиқ овлади.

СУРАТДА: балиқ овлаш пайти.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ
олган суратлар.

•Тадбиркорлик-замон талаби

БАЛИҚЧИДА «БЕШЧИНОР»...

Уни маҳаллий ишбилармон Олимжон Аҳмедов барпо этаяпти

Бозор — юртнинг кўзгуси. Унинг шакл-шамойилига қараб одам бу ердаги ҳақиқий аҳвол, аҳолининг турмуш тарзи, лозим бўлса яшаш шароитларини бемалол билиб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда тўкин-сочинлик, фаровонлик манбаи бўлган бозорларга катта эътибор берилмоқда. Улар кенгайтирилиб, ўзининг ҳақиқий шарқона қиёфасига эга бўлиб бораяпти. Эндиликда бундай ҳаракат шаҳар марказларини қўйинг, туманларга, қишлоқларга ҳам кўчмоқда. Бу туфайли барпо этилаётган бозор мажмуаларида савдо-сотиқ ишлари бирмунча жонланаётгани одамни қувонтиради. Андижон вилоятининг Балиқчи тумани маркази — Балиқчи қишлоғида ҳам ана шундай мажмуа қурилиб, пардоздан чиқарилмоқда.

Туман марказидаги бу қишлоқ ҳар томонлама транспортга қулай ерга жойлашган. Бир тарафдан Наманганга, яна бир тарафдан Улуғнор орқали Қўқонга, Фарғонанинг яна бир қатор шаҳарларига элтувчи йўл ўтади. Аммо шундай қулай жойга жойлашган туман марказидаги бозорнинг «ўлгани», қаровсиз қолгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Оқибатда ундан барака кўчди. Одамларнинг оёқлари тортилди. Бундай шароитни ўнглашнинг йўли битта: бошқа ерда янги бозор қуриб, тижоратчи ва ишбилармонларнинг бошини бир ерга қовуштириш зарур эди. Бу ишни маҳаллий ишбилармон, Балиқчи улгурчи савдо матлубот ҳиссадорлик жамиятининг раиси Олимжон Аҳмедов гарданига олди. Маҳаллий ҳокимият билан келишиб, ишхонаси жойлашган ернинг ҳовлисида ёпиқ бозор қурилишини бошлаб юборди.

— Бундан икки ой аввал бу ерда бозор қад кўтаради, деган гапни айтсанг бировнинг ишонгиси келмасди, — дейди Балиқчи улгуржи савдо матлубот ҳиссадорлик жамиятининг раиси Олимжон Аҳмедов бизни бозор мажмуасидаги қилинаётган ишлар билан таништирар экан. — Ниятимизнинг холислигидан ишларимиз юришиб кетди. Жуда қисқа муддатларда бозор мажмуасини қуриб, устини ёпиб олдик. Ҳозир ичкарида пештахталарни қуриш ниҳоясига етказилмоқда.

Маҳаллий ишбилармон Олимжон Аҳмедовнинг дидига монанд қурилаётган бозор мажмуаси бу атрофдаги тадбиркор ва ишбилармонларни ҳаяжонга солмай қўймайди. Усти ёпиқ бинонинг ичига 600 ўринли савдо растаси жойлашади. Бундан ташқари бозорнинг ичида 40 та дўкон, сартарошхона, соатсозлик ва этикдўзлик сингари муҳим маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳам ўрин берилади. Бозорнинг ёпиқлиги балиқчиликларга қишин-ёзин бозорни юргазиш имкониятини беради. Бозорнинг икки томонига қурилган дарвоза ёзда ўзига хос «кондиционер» вазифасини ҳам ўтайди. Унинг эшиклари ланг очиб қўйилса, ичкарида шабада айланиб анча салқин бўлади. Дарвозаларнинг ҳар икки қанотида иккитадан тижорат дўкони жойлашади.

— Олимжон ака, рости бундай [illegible] арафасида турганидан кўпчилик балиқчиликлар бехабар бўлса керак-а, — дея сўраймиз раисдан.

Олимжон «ҳа», дея мамнун жавоб беради.

— Нега?

— Очиғи, шов-шув қилгим келмади. Янги йил арафасида бозор ишга тушади. Шунинг учун ҳам уни туманимиз аҳлига сирли тарзда тайёрланган янги йил совғаси дейиш ҳам мумкин.

— Номини қандай номламоқчисиз. Ҳозир кўп жойларда ўзининг номини бериш «мода» бўлиб кетган.

Олимжон Аҳмедов мамнун жилмайиб бизни ташқарига бошлади. Ҳовлидаги дарахтларга ишора қилди.

— Кўраяпсизми, мана бу азим чинорларни, улар бешта. Бозорнинг номи ҳам Бешчинор бозори бўлади. Одамлар вақти келиб, Балиқчида битта бозор бор, унга албатта кириб ўтмасам бўлмайди, деган гапларни фахр-ифтихор билан айтишадиган бўлишади.

Ҳа, яхши ният одамга ярим давлат дейишади. Олимжон Аҳмедов эса бозор мажмуасини қуриб бутун ҳамқишлоқларининг дуосини олмоқда. Савоб ишнинг уддасидан чиқаяпти. Ҳадемай Бешчинор бозори туман аҳлига эшикларини ланг очади. Олимжон аканинг орзулари ушалади. Бундан ортиқ бахт борми инсонга?

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Ойнаи жаҳонда

16—22 декабрь

ДУШАНБА, 16

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 16 декабрь куни УзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача УзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дилнавоз садолар.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 Хива — 2500. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аср муаммоси». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Оҳангробо». Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри спектакли.
11.10 «Эзгуликка йўғрилган умр». Телеочерк.
11.30 «Темурнома».
11.50 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Фитна». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғаройиб Гоша». Мультфильм.
18.05 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси 19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Араб Амирликлари — бугунги кунда». Ҳужжатли фильм.
22.50 «Спортнинг ажиб тури». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Қадриятлар — ифтихоримиз».
19.40 «Спорт-тайм».
20.10 Кечки сеанс. «Аршин мол олан». Бадиий фильм.
21.35 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.45 «Шлягер».
22.00 «Авторейд».
22.10 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45—22.55 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот.
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Биржа ва банк хабарлари.
10.25 Инглиз тили.
11.00 «Оналар мактаби».
11.30 «Темурнома».
11.50 Ўзбек куйларидан концерт.
12.30 УзТВ хазинасидан. Уйғун. «Зебуннисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.30 Дилнавоз садолар.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
19.15 «Замон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осиё кубоги-96» кундалиги.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Зарблар сеҳри». Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев.
21.40 «Альманах-ТВ».
22.20 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».
23.30—00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 2-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
* * *
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Жонли сайёра».
*
Россия давлат телевидениеси 22.55—23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30—23.35 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот дам олиш дастури.
19.15 «Жонли тил».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.10 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
22.00 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
22.30 «Истеъдодлар ва мухлислар».
23.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.30 «Жиллет-спорт».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Най».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
10.30 Зоология.
11.00 «Саҳна ҳаёти».
11.30 «Темурнома».
11.50 «Декабрь». Мультфильм.
12.00 «Фермер». Тележурнал.
12.30 «Амир Темур ва маънавият».
13.10 «Гулгунчалар».
13.30 Чанг тароналари.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олис Жанубда». Мультфильм.
18.20 «Орзуларим — наволаримда».
18.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адашлар».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
01.40 Тунги тароналар.
01.50—02.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Аренага йўл». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари».
*
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.35
*
23.35 Эълонлар.
23.40—23.45 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Безнен мирас».
19.30 «Бу ажиб дунё».
19.50 «Кафолат».
20.20 «Азизим...»
20.50 «Мезон».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Британия кундалиги».
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Уй остонадан бошланади».
23.25 «Гулдаста».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
9.10 Кинолавҳа.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
10.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.40 «Театр учрашувлари».
11.10 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 Мумтоз ашулалар.
12.30 «Анъана ва замон».
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Катта танаффус».
18.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
19.15 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
21.20 «Умримдан розиман». Рамз Бобожон.
21.45 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.10 «Стадионда учрашамиз».
22.35 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Керакли одам». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.10 — 21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
*
Россия давлат телевидениеси 23.00 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Она».
19.30 «Океандан океангача». USA-круиз.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Шаҳрим-фахрим».
21.55 «Интерспорт».
22.05 «Эколот-коктейль».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Шамол қанотларида само сари интилувчи орзулар». Телефильм (Япония).
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Соғлом авлод учун».
12.15 Дутор ва танбур тароналари.
12.45 «Олтин калитча». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
19.20 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ватанимни куйлайман». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Мафтункор чеҳралар».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Хуш келибсиз!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Дилором наволар».
9.30 «Таманно».
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.50 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10—24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғолиб». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.15 — 21.40
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 «Оқ йилқи». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 22.55 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Замин саховати».
20.00 «Ер сайёраси».
20.15 Фан ва технология. «Жиддий нарсалар ҳақида ҳазиллашиб».
20.45 Эълонлар.
20.50 Келинг, кулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси». («Коламбия пикчерс», АҚШ). 3-серия.
21.05 «Коинот».
21.35 «Сакура шохчаси».
22.05 Эълонлар.
22.10 Араб эстрадаси.
22.35 «КВН-96».
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
11.05 «Йўллар ва уйлар».
11.30 «Темурнома».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.50 «Баҳс».
12.10 «Ватанпарвар».
12.40 «Кичкинтоймиз — гижинтоймиз».
13.00 «Жону дилим санъат». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг актёри Равшан Солиҳов.
14.00—14.30 «Ёшлар ижоди».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. 3 — 4 ўринлар учун ўйин.
22.35 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Шукур Бурхонов.
23.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Финал.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
00.50 «Суққабош эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20—14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кадр ортидан».
20.05 «Жозиба».
20.15 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дукон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.25 — 21.40
*
21.40 Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия давлат телевидениеси 23.05 — 23.35
*
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.55 «Болеро». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 «Чинсэн».
10.50 «Клип-антракт».
10.55 «Комедиантлар».
11.15 «Клип-антракт».
11.20 «Спектаклдан сўнг».
11.45 — 12.45 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 2-серия.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 «Беш дақиқа ўзинг учун».
20.40 Кинонинг олтин асри. «Зорронинг катта саргузаштлари». Бадиий фильм.
22.05 «Рақслар қанотида».
22.35 «Эсдалик учун дастхат».
23.05 «Ассалом, Франция!» дастурига илова. Бретань.
23.45 Эълонлар.
23.50 «Жиллет-спорт».
00.20 «Бу ажиб дунё».
00.40 «Комедиантлар».
01.00 — 01.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ўзбекистон спорти». Тележурнал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 21-кун.
13.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.40 «Нодир хазина».
14.10 — 14.50 Бастакор Султон Ҳайитбоев ижоди.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Яқинлашаётган Америка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Бу муниc лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-кун.
22.55 «Футбол олами».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.10 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Кадр ортидан».
10.30 «Жозиба».
10.40 «Олтин кент».
10.50 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дукон».
11.25 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.50 «Боланинг тили...»
19.00 «Дилором наволар».
19.10 «Умрбоқий мерос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Дармон».
21.20 «Лаззат».
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
00.20 Дастур ниҳояси.

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.00 — 20.50
*
20.50 Бадиий фильм. 2-серия.
22.15 Эълонлар.
22.20 — 22.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Дарвоке». Биз 3 ёшдамиз.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Френсис Коппола фильми. «Дракула».
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Телевидение — менинг ҳаётим». Галина Мельникова.
19.50 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 «Биргаликда куйлайлик».
21.10 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.40 Киносалон. Акиро Курасава фильми. «Кугимуша». 1 ва 2-серия.
23.50 «Голливуд-рок».
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

Мунажжимлар башорат қилади

(16—22 декабрь)

ҚЎЙ (21 март—20 апрель).
Ҳафтанинг анчагина зиддиятларга бой ҳолда ўтиши воқеаларнинг боришига ҳам таъсир этиши мумкин. Ҳиссиётларга эрк бермасликка ҳаракат қилинг, ақл-идрокни бир ерга жамлашга тиришинг. Уй ишларини вақтинча муваффақиятга эришган ҳолда ҳал этасиз. Оила вазиятида бир оз зўриқишни ҳис этишингиз мумкин.

СИГИР (21 апрель—21 май).
Бу ҳафта жуда қувончли ўтади, истиқбол учун кўп режалар тузасиз. Ишда ва севгида юлдузлар сизга ҳомийлик қилади. Ҳафта ўртасида аввалги битимлардан кутилмаган даромад олишингиз эҳтимолдан холи эмас. Лекин одатингизни бузиб,пулни беҳуда совурманг - келгусида у сизга жуда асқотади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май—21 июнь).
Бахтиёр бўлиш учун унчалик имкон бўлмайди. Ҳафтанинг зерикарли ўтиши кутилади, яқин кишиларнинг фаровонлиги тўғрисида қайғуриш сизни ҳолдан тойдирган. Тежамкор бўлиш ҳам лозим, зеро келгусида пулга зориқишингиз мумкин. Ҳақиқий зафарга фақат келажакда эришасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь—23 июль).
Бу ҳафтада ишга ва унинг қизғин маромига "шўнғиб" кетишингизга тўғри келади. Кўпдан-кўп мажбуриятлар сизга бошқа нарсалар учун вақт қолдирмайди. Бу ҳол оиладаги муносабатларга тезда таъсир кўрсатади. Ҳафта охирида мўмайгина пул ишлаб олишга муваффақ бўласиз.

АРСЛОН (24 июль—23 август).
Ана шу бурж остида туғилганларнинг ҳаммаси учун ҳафта жуда бахтли ўтади. Сизни муваффақият кутади. Ёлғизлар севимли кишисини учратиш бобида яхши имкониятга эга бўладилар. Сешанба ва чоршанбада муҳим ишларни бажаришга киришманг, буни пайшанбага кўчириш мумкин.

БОШОҚ (24 август—23 сентябрь).
Бу ҳафтада фаолиятингизда янги қизиқарли жиҳатларни топишга ҳаракат қилинг. Севги бобида катта ўзгаришлар юз беради, сиз янги танишларингиз даврасида ёқимли дақиқаларни ўтказасиз. Соф туйғуйингиз панд бермайди - ҳаётингиздаги чинакам муҳаббатни қўлдан бой берманг.

ТАРОЗИ (24 сентябрь—23 октябрь).
Бу ҳафтада ҳамкорлик тўғрисидаги таклифни қўлдан чиқарманг. Эҳтимол, ўтган ҳафта уни рад этгандирсиз. "Кейинга" қолдирган муаммоларингизни дарҳол ҳал этиш зарур. Гарчи ҳар хил тасодифлар бўлиши кутилсада, молиявий-моддий бобдаги саъй-ҳаракатларингиз анча натижадор бўлиши кутилади.

ЧАЁН (24 октябрь—22 ноябрь).
Молиявий қийинчиликлар оқибатлари ҳали қолган бўлсада, уларни бартараф этса бўлади. Албатта, шу сабабли харажатларни иложи борича камайтириш керак. Ҳафтанинг биринчи ярмида севги - ишқ бобида муаммолар бўлиши мумкин. Севги азобларини унутиш учун эътиборни бошқа нарсаларга чалғитиш, жамоат иши билан шуғулланиш лозим.

ЁЙ (23 ноябрь—21 декабрь).
Бу ҳафта сиз учун ҳамма жиҳатдан қулай кечади. Ишингиз аввалгидек ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қониқиш келтиради. Бу ҳафтада тижоратга оид барча битимларингиз муваффақиятли бўлиши кутилади. Ҳафта охирида мириқиб ҳордиқ чиқариш янги ташаббуслар учун куч бағишлайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь—20 январь).
Ҳафтанинг бошларида шахсий ҳаётингизда озгина чалкашлик юз беради. Пайшанбада вазият яхши томонга ўзгаради - маҳбубингиз билан муносабатлар барқарор тус олади. Молиявий аҳволингиз ҳам анча яхшиланади, ишингиз эса кўп ёқимли дақиқалар келтиради.

ҚОВҒА (21 январь—19 февраль).
Кунлар шахсий ҳаётингиз-да ҳам, ишхонада ҳам осойишта кечади. Ишбилармон шериклар билан юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларга осойишта муносабат билдириш учун чоршанбадан бошлаб сабр-тоқатли бўлиш зарур. Бу - ҳафтанинг энг оғир даврларидан бири бўлиб, у сиздан ҳиссиётларни жиловлашни талаб этади.

БАЛИҚ (20 февраль—20 март).
Мерос олиш, суғурталаш ва бошқа ҳоллар билан боғлиқ ташвишларингиз анчагина мақбул моддий натижа келтириши мумкин. Кўп кишилар учун ҳафтанинг дастлабки кунларида олисга сафар қилиш, хорижга хизмат сафарига чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳал бўлиши мумкин. Ҳафта охирида аъзойи баданингизнинг касалликларга сезгирлиги намоён бўлиши ҳам мумкин.

Спорт • Футбол • Спорт

ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ

Бирлашган Араб Амирликларида ўтаётган XI Осиё кубоги ўйинлари бошланганига ҳам бир ҳафтадан ошди. Бизнинг терма жамоамиз ушбу нуфузли мусобақада иштирок этиб келди.

Вакилларимиз сўнгги тургача кейинги босқичга чиқиш имкониятига эга эди. ...

Майдонда Ўзбекистон ва Сурия терма жамоалари. Биринчи бўлим жуда сокин ва осойишта ўтди. Уйин асосан майдон марказида борди. Баъзи бир ҳолатларни ҳисобга олмаганда, дарвозабонлар 45 минут давомида ҳордиқ чиқарди дейишимиз мумкин.

Иккинчи бўлимни ҳар иккала жамоа ҳам бироз шиддаткорона руҳда бошлади. Бу нарса ўз самарасини берди. 49-дақиқадаёқ суриялик моҳир футболчи Нодир Жаҳодар ҳисобни очди. Унинг боши билан урган тўпини Павел Бугало қайтаришга ожизлик қилди.

... С. Лебедев ўйиндан чиқариб юборилди. Бу эса жамоамизнинг ғалабага бўлган иродасини бутунлай сўндирди. Учрашувда Сурия терма жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб учинчи ўринга кўтарилди. Терма жамоамиз эса сўнгги ўринни банд этди ва ўзлари учун мусобақа дарвозаларини ёпишди. Энди кейинги босқичда «С» гуруҳидан Япония ва Хитой жамоалари курашни давом эттирадилар.

Отабек НОРМЎМИН ўғли.

Спорт • Футбол • Спорт

Ибн Сино ўгитлари

УКРОП

Ибн Сино шундай дейди:

...Укроп совуқ хилтларни пишириш, оғриқларни тинчлантириш ва елларни ҳайдовчидир...

ХАЛҚ ТАБОБАТЧИЛИГИДА. Ўсимликнинг мевасини анжир билан бирга қайнатилса, ўткир йўтал ва диққинафасга даво бўлади.

Укропнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ҳазмни уйғунлаштиради, иштаҳага барака бериб, қорин дамламидан холи қилади.

Шу билан бирга у ичнии маромлаштиради, юрак уришини қувватлаштириб, қонтомирини кенгайтиради ва қон босимини пасайтиради.

Укропдан тайёрланган дориворлар кўз хасталикларида (бунда боғлама сифатида фойдаланилади, иллат- ...

ФОЙДАЛАНИШ УСУЛИ. ... лаб қуйилади. Дамлама шарбатидан ярим стакандан 3 маҳал овқатланишдан олдин истеъмол қилинади.

ЎСИМЛИКНИНГ ТУЗИЛИШИ. Укроп соябонгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик хушбўй ўсимлик. Ўсимлик тик ўсиб, ўрта қисми шохланиб кетади. Барглари икки бор патсимон кесилган бўлиб, поясида навбат билан қисқа қини воситасида жойлашган. Гуллари кўримсиз, майда сариқ бўлиб мураккаб соябонга тўпланган. Меваси қўнғир тусли қўшалоқ писта.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЯНГИ ДАВЛАТ БЕЛГИЛАРИ

Ҳурматли редакция! Кейинги пайтда транспорт воситаларининг давлат белгисида ўзгариш бўлди. ...

Равшан МИРЗАЕВ. Гулистон шаҳри.

Биз юқоридаги саволни Тошкент шаҳар ДАН бошқармасига йўллаб у ердан қуйидаги жавобни олдик. ...

... вилоятга тегишли эканлигини осонгина ажратиб оладилар. Шунинг учун аҳоли қуйидагиларни эсда сақлаб қолишларини тавсия этамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги автомототранспорт воситалари учун бириктирилган давлат рақам белгиси, ҳудуднинг код рақамлари қуйидагича белгиланди.

10 Тошкент шаҳри, 11 Тошкент вилояти, 12 Сирдарё, 13 Жиззах, 14 Самарқанд, 15 Фарғона, 16 Наманган, 17 Андижон, 18 Қашқадарё, 19 Сурхондарё, 20 Бухоро, 21 Навоий, 22 Хоразм вилояти ва 23 Қорақалпоғистон Республикаси.

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шу йил 7 декабрь Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги Уриксор даҳасида яшовчи Ғ. Салиҳовнинг уйида ёнғин содир бўлиб, воқеа жойидан уй эгаси ҳамда унинг турмуш ўртоғи ва икки нафар қизининг мурдаси топилди.

Зудлик билан олиб борилган тергов ҳаракатларидан шу нарса маълум бўлдики, ушбу ёнғин тасодифий эмас, балки жиноятни яшириш мақсадида амалга оширилган.

Ҳозирда мудҳиш жиноятни содир этган Сиддиқов, Султонов ва Бобохоновлардан иборат жиноий гуруҳ ҳибсга олинди. Яна шу нарса аниқландики, ушбу жиноятда жабрланувчининг 20 ёшли ўғли ва уларнинг яқин қариндошларидан бири ҳам иштирок этган.

Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шу сонга хабар

ЎЗБЕКИСТОН МАШИНАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

• Самарқандда «УзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга марказлашган ҳолда техник хизмат кўрсатадиган янги муҳташам автомарказ очилди. Шу ернинг ўзида «Асакабанк»нинг Самарқанд бўлими ҳам ишга туширилди. «Асакабанк»нинг мазкур бўлим бошқарувчиси Баҳодир Кушановнинг таъкидлашича, янги техник марказ билан банк бўлимининг бир ерда жойлашганлиги харидорларга хизмат кўрсатишда ғоят қулайлик туғдиради. Шу туфайли қисқа вақтда марказ автосалонида «КаМАЗ» , «Тико», «Нексия» русумли автомобиллардан мингтаси самарқандликларга сотилди.

Янги автосалон ва банк биносининг фойдаланишга топшириш тантаналарида вилоят ҳокими Алишер Мардиев иштирок этди.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
ўз мухбиримиз.

Жиноят ва жазо

Октябрь ойининг тунлари дашт изғиринли бўлади. Шу совуқда ўтовда ғужанак бўлиб ухлаб ётган Ўрол аканинг бошига икки кимса яқинлашди. Бирининг қўлида калтак, иккинчисида чўқморли тўқмоқ бор эди. Бир... сўнг иккинчи зарба урилди. Уйқудаги одам жон ҳолатда типирчилаб, хириллай бошлади. Таёқланган одам ногоҳан, аянчли зарбадан моматалоқ бўлган, таниб бўлмас юзини қўллари билан маҳкам ушлаганча ўрнидан қўзғалди. Жабр тортган одамнинг важоҳатидан сесканиб, қўрққан кимсалар қочишди. Урган киши шеригидан сўради:

— Энди нима қиламиз?

— Ўлдирмасак иш чатоқ...

Чўқморли тўқмоқ яна ҳалиги бечора инсон боши узра икки марта кўтарилиб тушди. Кимсалар эса амалга оширган бадбахт ишларидан эмас, балки тун совуғидан жунжикиб, шу атрофдаги вагонга ўзларини уришди. Ҳар ҳолда иш бажарилди, энди исинса бўлади деб ўйлашди.



ПАДАРКУШЛАР



... Гоҳ билиб, гоҳ билмай, орамиздан одамлар камаяётганига эътибор ҳам қилмай яшайверамиз. Узимиз тинч бўлсак бўлди, қолганлар билан ишимиз йўқ. Нега? Нима учун биз шу заминда истиқомат қиламиз, қачонки биз бир-биримизни танимасак, суямасак, оғир кунларида кўмаклашмасак. Уз қобиғимизга ўралиб қачонгача яшаш мумкин? Урол акани кўпчилик билган, аммо бирор марта оиласига бориб, уларнинг шароити билан танишиб, уларнинг муаммоларини ҳал қиладиган инсон бўлганми, йўқми билмадим? Бироқ мамлакатимизда «Маҳалла»га эътибор қаратилган экан, нега маҳалла оқсоқоллари ҳар бир хонадонни, унинг аҳволини билмайди? Нега маҳалла оқсоқоллари ўз маҳалласига тўлиқ эгалик қилолмайди? Начора, куйиб ёнадиган, жонкуяр одамлар кўпайсин, деймиз-у ҳикояни давом эттирамиз.

... Алламаҳал дарвоза тақиллади-ю, бир аёл тугун кўтариб кирди. У чаққон, ҳозиргина машина тушириб кетган юкларни киритарди. Шовқинни эшитган уйдагилар ҳам бу орада ташқарига чиқишди ва бир-бир чорпояга, тизилишиб, суянганча опаларини кузатиб, ҳайрон қолишди. Жувон эса мафтункор жилмайиб «ташишиб юборинглар», — деди. Ота-Урол ака ҳаммани тўхтатди ва:

— Қизим, аввал бизга бор гапни тушунтир, ахир ҳали кетган ўрнинг совимай, кўч-кўронни кўтариб қайтиш...

— Дада, ну, что вы... — кўзларига дувва ёш қуйилди.

— Ҳой, дадаси, қизимнинг аҳволига бир қаранг, не куйларга солишибди. Уйга кирсин, бафуржа... Қани опаларингга қарашларинг, — онанинг ҳукми янгради.

Уйга киришгач, отадан ҳеч ким маслаҳат сўрамади ҳам, маслаҳатга чақиришмади ҳам.

Эртасига нонуштада Урол ака қизидан нима бўлганлигини сўради. Қиз, эркаланиб, йигитнинг ўзига номуносиб эканлигидан, терлаб ювинмаслигидан, ўзига қарамаслигидан, тундлигидан нолиди. Шаҳарлик қизга қишлоқ йигити сира ҳам мос тушмаслигини ҳам гап орасига қистириб ўтди.

— Қизим, бу ҳаёт, унинг оғирига ҳам, енгилига ҳам чидаш керак, қиз бола палахмоннинг тоши, дейишади. Қаерга бориб тушиши номаълум, аммо бориб тушган ерида қотиши, ўзидан тинчиб кетиши шарт, болам. Сен ҳали ёшсан, кўп ҳам ҳаётнинг паст-баландини билмайсан, бу биринчи турмуш, шуни ушлаб қолсанг, бахтинг, бўлмаса... — отанинг гапи бўғзида қолди.

— Менинг қизим чиройли, шаҳарнинг олд гўзалларидан. Ҳали минг мевасидан бирини ҳам тугмаган. Унга оғиз солганларнинг сони кўп, қизим кўчада қолмайди, — лабини терс бурди Урол аканинг умр йўлдоши Соттихон.

— Хотин гапга қулоқ сол, мен сенинг гапларингга соатлаб қулоқ тутаман, сен ҳам эшит-да, ахир ҳали ўзинг айтгандай қизимиз ёш, ҳаётнинг аччиқ-чучуклари борлигини билмайди, сал нарсага «лов» этиб ёниб турмушни бузса бўладими?

— Ҳой, сиз аралашманг, қуйингизни боқинг...

Уролнинг пешона томирлари бўртиб чиқиб, негадир қовоғи баттар осилди. Доим шунақа, Урол бир гапирса, сўзлари сарғайган барглардек дувва тўкилади-ю, хазонга айланади. Соттихон эса гўё гуркираган дарахтдек савлат тўкиб тураверади. Вазият Сотти ҳисобига бир юз саксон даража ўзгардими, Урол қўл силтайди-ю, даштга равона бўлади. II-гуруҳ ногирони бўлгани туфайлими, ёки табиатан «оғир артиллерия» бўлгани сабабми индамай, дардини ичига ютади.

Бу сафар ҳам кеч тушиб қолганига қарамай хотинини ичида бўралаб сўкди-да, сафар халтани ортмоқлаб йўлга чиқди. Соттихон эса бу гал эри сафарга отланганидан хурсанд бўлди.

Орадан бир ой ўтди. Урол ака даштдан қайтаётиб ғалати гап эшитди. Ишонмади. Кўча-кўйда одамлар нималарни сўзлашмайди, дейсиз.

Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Дарвоза очиқ. У хорғин теваракка кўз ташлади. Белбоғини ечиб реза-реза терларини артди. Сочларини текислаб, силади. 48 га кирибди. Умр худди жўмракдан оқаётган сувдек ўтмоқда. Бугун бахтлими? Ҳаётидан мамнунми? Нима учун дунёга келди-ю, нима учун яшади? Уй-жойи, болалари, қўша-қўша мол-ҳоли бору, нега турмуши тотли эмас? Қаерда хатолик бўлди? Умр карвонининг қай манзилида адашди?

Бир-неча кундан сўнг Урол аканинг айтганларини эмас, Соттихон билганини қилди. Гўзал қиз бошқага турмушга чиқди. Лекин эри билан, тўғриси иккинчи эри билан ҳам чиройли қиз, чиройли турмуш қурмади. Енгил табиатлик устун келди. Туйларда роса ўйнаб-кулиб, қаерлардадир қолиб кетадиган одат чиқарди. Урол ака ҳар доим даштдан уйга қайтганда қизини қаттиқ тергарди. Аммо Соттихон дарров отанинг шаштини қайтарарди. Қиз эса ўз билганидан қолмасди. Қиз иккинчи эрдан ҳам...

Нима қилишни билмай боши қотган Урол ака ҳеч кимга қўшилмай қуйди. Ёлғиз уй суриб юраверарди. Баъзан озроқ жаҳл отига минса яна шаҳарга бориб, хотинига, қизига гап уқтирар, сузи ерда қолавергач, ўксиниб, уларни сўкар, уришарди. Гўзал, дуркун қиз эса кундан-кунга янги-янги саргузаштларнинг шаҳар узра тарқалишига сабабчи бўларди. Лекин бу билан ўз отаси номига иснод келтираётганини бир зум ҳам ўйламади. Аксинча, ўз ишидан мамнун эди. Роҳат-фароғат йигитлар пулида, деб билган қиз кундан-кунга янги ва янги жазманлар орттира борди. Қилмишидан уялмади. Фақат Урол ака уйга қайтган кунлари «тинчирди» холос. Бора-бора қизга отанинг панд-насиҳатлари эриш туюлаверди. «Сени йўқотиб юбормасам», деган уй хаёлидан ўтавериб, охири фикри-зикрига маҳкам ўрнашди.

Ота бўлгач ўғиллари, жиянлари нотўғри иш қилишса уришади-да. Чунки, бола-бола-да, ўйинқароқ, барча ишни кўнгилдагидек қилавермайди. Шундай ҳолларда гўзал қиз укаларига отасининг жоҳил, ярамас инсонлигини уқтирар, доим асабга тегишини айтиб болаларда ҳам отага нисбатан ғайирлик уйғотиб, косанинг тўлишини кутарди.

Бир сафар «гўзал» қиз укалари билан даштга борди. Маккажўхори ўримида қатнашиб, ҳосилни йиғиб олишда кўмаклашдилар. Сўнг кесаклардан қўлбола ўчоқ ясаб, кумғонда чой қайнатишди. Қиз укасини имлаб четга чақирди.

— Тўғрисини айтсам, тушлик ҳам татимаяпти, юрагимга чироқ ёқсанг ёришмайди. Ахир, ўзинг ўйла, мендек гўзал бир қиз, пардоз-андоз қилиб дам олиш ўрнига, чангга ботиб маккажўхори уриб юрсам-а...

—Опа, нима қилиш керак? Қочамизми?

— Йўқ, сенга бир иш айтсам бажарасанми?

— Ҳаракат қиламан, опа.

— Эсингда-дир, отам сени тез-тез уришиб туради-а?

— Тўғри.

— Ҳеч жонингга тегмайдими? Менинг жонимга тегиб кетди. Кунда жанжал, ундоқ қилма, бундоқ қил, эл-юрт нима дейди. Кейин мана бунақанги ипирисқи ишлар бўғзимга келди. Сенинг асабингга тегмадими?

— Баъзан тегади, опа, лекин урмасак мол-ҳолга емиш йўқ бўлади, кейин қишда сут-қатиқ ичиш керак.

— Биласанми, амакимнинг ўғлини ҳам отам роса урашаркан-ку!

— Тўғри, опа, амакимнинг ўғлини ҳам сизга, укаларига кўмаклашмаганликда айблаб уришади.

— Эй, ука, мени ҳам ҳар куни тергагани-тергаган, ҳиқилдоғимга келди...

— Хўш, нима қиламиз?

— Анави амакимнинг ўғлини ҳам чақир!

— ... Энди икковинг ҳам отамнинг ёмон одамлигини биласизлар, демак отамни... қулоқ солинглар, отамни бугундан қолдирмайсизлар.

— Нима, нима...

— Отамни гумдон қиласизлар, агар уни бугун йўқотмасаларинг, мен ўзимни-ўзим осаман...

— Опа, нима деяпсиз...

— Қўрқманглар, йигитсизларку, отамни йўқотасизлар, тамом. Ҳеч ким билмайди.

— Сўрашса нима деймиз?

— Билмадик, биров ўлдирган, хабаримиз йўқ дейсизлар, тушундингларми... Энди боринглар...

Тунда эса, ўз ўғлининг тўқмоқ кўтарган қўллари отани нобуд қилди. Жияни қотилликда иштирок этди. Лекин жиноятчилар одил жазодан қутилиб қолишмади. Қиз 15 йилга, ўғил 10 йилга, жиян 5 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Падаркушлар қиссаси шу зайл хотима топди. Биз воқеа қаҳрамонларининг ҳақиқий исми-шарифини ҳам, бўлиб ўтган манзилини ҳам кўрсатмадик. Айтишларича, Соттихон суд давомида эрининг, гўзал қиз эса, отасининг ёмонлигини бот-бот такрорлаб туришган. Хўш, эр ёмон бўлса нега у билан шунча йил турмуш қурдинг? Нима учун бирга яшадинг? Хўш, ота ёмон бўлса, нега у қурган ҳовлига тез-тез эрдан чиқиб келвердинг, нега ота ёмон бўлса у барпо этган ҳовлида яшаб, у боққан сигирнинг сутини ичдинг? Нега? Барчаси ношукурлик, бугунги кундаги яхши бир ҳаётга ношукурлик эмасми?

Урол аканинг қўшнилари марҳумни «рўзғорим деб елиб-югурадиган, меҳнаткаш, жафокаш яхши одам» деб таърифлашди. Энг аянчлиси, қора курсида ўтирган жиноятчилар «бу ишни иккинчи қилмаймиз, қилмишимиздан пушаймонмиз» деб тез-тез такрорлаб туришди. Ота-чи, иккинчи бор ҳаётга қайтадими? Йўқ, ахир сабр қилсалар вақти-соати етганда ўз ажали билан оламдан кўз юмарди. Афсуски, энди кеч...

Зафаржон ШАМСИЕВ,
Самарқанд вилояти Нарпай тумансларaро прокуратураси прокурори.
Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
журналист

Акс садо

«ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР

ёки тўй қиламан деб «бели» чиқаётганлар хусусида» («Адолат» газетаси, 1996 йил 30 ноябрь, № 47 (87).

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

«Қувонч ва ташвишлар» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Муаллифнинг миллатимиз тақдирини ўйлаб куюнчаклик билан айтган гапларига тўла қўшиламан. Халқимиз не-не машаққатлар билан истиқлолни қўлга киритди. Энди ўзлигимизни кўрсатадиган, нималарга қодирлигимизни амалда исботлайдиган давр келди. Бас, шундай экан, бу йўлда учрайдиган барча тўсиқларни таг-туги билан қўпориб ташлашимиз керак.

Узбекистонимизнинг ривожланган мамлакатларга етиб олиши, ҳатто ўзиб кетиши учун барча табиий-иқлимий шарт-шароит бор. Айниқса, халқимизнинг меҳнаткашлиги бу соҳадаги битмас-туганмас хазина. Аммо ана шу хазина ҳисобига топилган маблағдан узоқни кўзлаб омилкорлик билан фойдаланишда, очиқ эътироф этиш керак, пала-партишликлар учрайди. Бу нарса айниқса тўй маросимларини, муаллиф жуда тўғри таъкидлаганидек, ўтказишда кўзга яққол ташланмоқда. Тўғри-да, ман сендан қоламанми тарзида ортиқча чираниб ақлга сиғмас даражада катта тўй қилаётганларни сал тартибга чақириб қўйиш вақти келди. Агар шундай қилинмаса ҳалол пул топиб, кун курувчи меҳнат аҳлига жуда оғир бўлмоқда.

Менимча, мазкур мақолани республикамизнинг барча тегишли муассасаларида, айниқса маҳаллаларда чуқур муҳокама этмоқ ва шу асосда тадбирлар белгиланиб, уларни изчил амалга ошириб бориш керак. Агар бу ҳақда тегишли идоралар махсус қарор чиқариб, унинг ижросини таъминлашни мутасаддилар зиммасига юклаб қўйсалар янада яхши бўлур эди. Негаки, мазкур масала оддий иш эмас, унинг замирида соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш, халқимизнинг маданий-маърифий даражасини кўтаришдек масъулиятли вазифа турибди.

Менга қолса удум деб умр бўйи топганини тўйга сарфлаганларга шу маблағингизнинг лоақал бир қисмини фарзандларингизни ўқитишга, уларни билимдон, юксак савияли мутахассислар бўлиб етиштиришга сарфланг, деб маслаҳат берардим.

Пировардида шу мақолани эълон қилган «Адолат» газетаси жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Газетада халқимизнинг дилидаги шунақа гапларни тез-тез айтиб турилишини истаб, уларга бу йўлда муваффақиятлар тилайман!

М. БАДАЛОВА,
Тошкент Жаҳон тиллари университетининг ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.

«БЕЛ» УМР БЎЙИ КЕРАК

Ким ўзарга дабдабали тўй қилиб «бели» синаётганларга маслаҳатим шуки, улар «бел»ларини асрашсин. У умр бўйи керак. Бунинг ўрнига тўйларини камтарона, тежамлию тартибли ўтказиб, элга намуна бўлсинлар. Янги оила қураётган фарзандларига умр бўйи етадиган рўзғор буюмларию кийим-кечаклар тайёрлаб бериш шарт эмас. Биринчидан, давр ўтиши билан уларнинг модаси ўзгариб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши турган гап. Иккинчидан, кўпинча меҳнат билан топилмаган буюмнинг қадри бўлмайди. Қолаверса, бу «текин» ошга «баковул»лик ўша фарзандларини танбал, ишёқмас қилиб қўйиши ҳам мумкин.

«Қувонч ва ташвишлар»даги тўй қиламан деб бори-будидан ажралаётганлар ҳолига ачиндим. Бундайлар кундалик ҳаётимизда афсуски кўпайиб бормоқда. Мен қиз томонга чидам, куёв томонга бағри кенглик тилайман. Удум деб ҳар икки томон ҳам ўзларини қийнашмасин. Ахир пулни текин топиб, текин совураётган айрим бойваччаларга эргашиб, азият чекишдан кимга фойда?

Бу гапларим айниқса куёв томонга кўпроқ тегишли. Бировнинг не-не машаққат билан тарбиялаб вояга етказган қизини олаётганлар улардан мол-дунё ҳам сўраш инсофсизлик.

Халқимизда бой бойга боқар, сув сойга оқар деган мақол бор. Шундан келиб чиқиб қуда бўлгувчилар ҳам ҳар томонлама бир-бирлари билан тенг бўлишса, ёшлар ҳам ўз тенгларини топишса ёмон бўлмасди. Бу гапни айтишимдан мақсад шуки, агар бир томон бадавлату, иккинчи томон камбағал бўлса бунинг таъсири албатта сезилади. Натижада мақолада муаллиф топиб айтганидек «ингичка» узилади.

Урни келганда яна бир таклифим шуки, удум деб тўй маросимларини кўпайтиравериш нотўғри. Уларни қисқартириш, ихчамлаштириш керак. Аммо бу бир-икки киши ҳал қиладиган нарса эмас. Уни кўпчилик ҳал этади. Шундай бўлгач, ғоят ҳаётий ва тўғри фикрлар илгари сурилган, ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гаплар қамраб олинган «Қувонч ва ташвишлар»ни жойларда кенг муҳокама этиш зарур, деб ўйлайман. Мен мақолани ўқиб таъсирландим ва таҳририятга мазкур хатни ёзишга қарор қилдим. Ўйлайманки, бундай хатни бошқа муштарийлар ҳам йўллаб мақолани кенг муҳокама этилишига ҳисса қўшадилар.

Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ.

• ЭЪЛОН!

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ХУСУСИЙ ВА ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ!

Истиқлолимизнинг қалдирғоч корхоналаридан бири — «УзДЭУавто» қўшма корхонаси республикамизнинг йирик автогигантига айланди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган автомашиналарга мамлакатимизда ва чет элларда талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу туфайли вазият ишлаб чиқарилган автомобилларнинг сонини кўпайтириш шу билан бир қаторда таннархини арзонлаштиришни тақозо қилаётир. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли автомашина эҳтиёт қисмларининг асосий турларини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Шу мақсадда биз сизларнинг имкониятларингизга таянамиз.

Агар қайси ташкилот ва корхонада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомашиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш имконияти бўлса, бизга мурожаат этинг.

Сизнинг имкониятларингиз бутун Ўзбекистон халқининг ютуғи бўлиб қолғусидир.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Андижон шаҳри 5-кичик даҳа, 14-уй.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ.
Телефонлар: (3712) 26-73-27, 26-50-60.

КУТЛАЙМИЗ

Ҳурматли ҳамкасбимиз Шавкатжон СУЛТОНОВ!

Сизни туғилган кунингиз муносабати билан қизғин табриклаб, соғлиқ - саломатлик, оилангизда тинчлик - тотувлик тилаймиз.

Газетамизнинг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири сифатидаги фаолиятингизда қаламингиз янада чарxланаверсин.

«АДОЛАТ» газетаси ижодий жамоаси.

АДОЛАТ

Adolat عدالت Justice

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

Мулоқот учун телефонлар: 33-41-89, 36-54-37, 36-55-96.

Таҳрир ҳайъати: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ГУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Акмал КОСИМОВ, Мукимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Абдурашид АҲАДОВ, Алижон ЮСУПОВ, Баходир УМИРЗОКОВ, Жўра ЙЎЛДОШЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Турғунбой МАДИЁРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шухратжон АЛИМАТОВ (масъул котиб), Муҳаммад ЮСУФ.

Навбатчи муҳаррир — Баходир ШАИМОВ. Навбатчи — Отабек ЭШМАМАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0738. Газета офсет усулида, А-2 форматда 4139 нусхада чоп этилди. Баҳоси эркин нархда.

Газетада чоп этилган факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар. Таҳририят келган хатларга жавоб қайтармайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент ГСП, Матбуотчилар кўчаси 32.